100 китоб
тўплами

# ҚЎЙЧИЛИК



69-китоб

AGROBANK

100 китоб тўплами

# ҚЎЙЧИЛИК

69-китоб



636.3
К 89

**Қишлоқ хўжалигини илмий асосда йўлга қўймас эканмиз, соҳада ривожланиш бўлмайди.**

**Ш. МИРЗИЁЕВ.**

**Ҳурматли деҳқонлар, чорвадорлар, тадбиркорлар!**

Жаҳон миқёсида аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда аграр соҳанинг ўрни ва аҳамияти кундан-кунга ошиб бормоқда. Жумладан, мамлакатимизда ҳам мавжуд ресурс ва имкониятлардан оқилона фойдаланиб, аҳолини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан кафолатли таъминлаш, ҳосилдорлик ва манфаатдорликни янада ошириш, соҳага илм-фан ютуқлари ҳамда замонавий ёндашувларни жорий этиш долзарб масаладир.

Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2020 йил 29 декабрь куни Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида, камбағалликни қисқартириш ва қишлоқ аҳолиси даромадларини кўпайтиришда энг тез натижа берадиган омил бу – қишлоқ хўжалигида ҳосилдорлик ва самарадорликни кескин ошириш эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Бу жараёнда ҳар гектар ердан олинадиган даромадни ҳозирги ўртача 2 минг доллардан камида 5 минг долларгача етказиш устувор вазифа қилиб қўйилди ва қишлоқ хўжалигига энг илғор технологиялар, сувни тежайдиган ва биотехнологияларни, уруғчилик, илм-фан ва инновациялар соҳасидаги ютуқларни кенг жорий этишимиз лозимлиги белгилаб берилди.

"Агробанк" АТБ мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги соҳасининг барқарор ривожланишига ҳисса қўшиш учун нафақат молиявий, балки ижтимоий лойиҳалар билан ҳам аграр соҳага сармоя киритишга эътибор қаратмоқда.

Жумладан, ривожланган давлатлар қишлоқ хўжалигида эришилган ютуқлар ҳамда тажрибалар асосида соҳанинг етук мутахассислари, олимлари билан ҳамкорликда фермерлар ва аҳоли учун дастлабки босқичда ушбу 100 та китобдан иборат қўлланмалар тўплами тайёрланди.

Тўпламда қишлоқ хўжалиги соҳаси, жумладан, мева-сабзавот ва полиз экинларини асосий ҳамда такрорий экиш муддатида етиштириш, иссиқхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш, ғаллачилик, дон ва дуккакли экинлар, чорвачилик, балиқчилик, асаларичилик каби тармоқларнинг энг илғор тажрибаларига оид кенг қамровли илмий ва амалий маълумотлар берилган.

Ушбу лойиҳани келажакда тажрибали деҳқон ва фермерларимиз, чорвадор ва ветеринарларимиз, аграр соҳа вакиллари ва бошқа китобхонларимиз фикр-мулоҳазалари ҳамда таклифлари асосида янада такомиллаштирамиз.

Умид қиламизки, ушбу қўлланмалар тўплами Сиз – деҳқонлар, чорвадорлар ва тадбиркорларимиз учун фойдали бўлади.

Ҳосилингиз мўл-кўл, даромадингиз баракали бўлсин!

resurs markazi
Inv № 33381

**Рустам Маматқулов,**
**"Агробанк" АТБ Бошқарув раиси.**

**УЎК 636.32/.38**
**КБК 46.6**
**Қ 89**

**Лойиҳа ғояси муаллифи ва ташкилотчи:** "Агробанк" АТБ

**Тузувчи:**
Н.Р. Рўзибоев – Чорвачилик ва паррандачилик илмий-тадқиқот институти Оҳангарон бўлими бошлиғи, қ.х.ф.д.

**Тақризчилар:**
С.И. Мавланов - Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, инновацион фаолият, фан ва таълим соҳасини ривожлантириш бошқармаси бошлиғи ўринбосари, ветеринария врачи, в.ф.д.

**Лойиҳа иштирокчилари:** У.Ф. Файзуллаев, М.С. Ҳайитбоев.

**Муҳаррир:**
А.Э. Аликулов - "Чорвачилик ва наслчилик иши" журнали Бош муҳаррири, журналист.

Ушбу қўлланма "Агробанк" АТБ муассислигида тайёрланди ҳамда нашр эттирилди. Билдирилган фикр-мулоҳаза, хулоса ва тавсияларга тузувчи муаллифлар масъулдир.

Ижтимоий лойиҳалар билан аграр соҳага сармоя киритиш доирасида "Агробанк" АТБ томонидан 100 та китобдан иборат қўлланмалар тўплами тайёрланди. Тўпламда қишлоқ хўжалиги соҳаси, жумладан, мева-сабзавот ва полиз экинлари, ғаллачилик, чорвачилик, балиқчилик, асаларичилик каби тармоқларнинг энг илғор тажрибаларига оид ривожланган давлатлар ва юртимизда эришилган кенг қамровли илмий ва амалий маълумотлар қамраб олинган.

Тўплам мазкур йўналишдаги биринчи нашр бўлиб, келгусида ушбу лойиҳани давом эттириш мақсадида билдирилган фикр-мулоҳазалар ва таклифлар асосида янада бойитиб бориш кўзда тутилган.

Қўлланма соҳа мутахассислари, фермерлар ва кенг жамоатчилик учун мўлжалланган.

**Ушбу қўлланма "Агробанк" АТБ туҳфасидир**

© "Агробанк" АТБ – 2021
© Нашриёт уйи "Тасвир" – 2021
© "Colorpack" МЧЖ – 2021

ISBN 978-9943-7172-5-1

# МУНДАРИЖА

Кириш ... 7

Қўйчиликда селекция-наслчилик ишлари ... 9

Қўйчиликда қочириш тадбирлари ... 12

Совлиқларнинг бўғозлик даври ва қўзилатиш тадбирлари ... 16

Қўзиларни парваришлаш ... 20

Жун қирқимини ташкил этиш ва уни ўтказиш ... 26

Қўйларни яйловларда озиқлантириш ... 30

Қўйларни йилнинг турли фаслларида озиқлантириш ... 33

Қўй қўраларининг ўлчамлари ... 38

Қўйларнинг саломатлигини асраш ... 44

Ўзбекистонда ўсадиган асосий зарарли ва заҳарли ўсимликлар ... 51

Ўзбекистонда урчитиб кўпайтирилаётган қўй зотлари ... 56

Хориждан олиб келиш учун тавсия этилаётган қўй зотлари ... 64

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати ... 70

## КИРИШ

Чорвачилик соҳасида қўйчилик асосий ўрин тутади ва мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган гўштнинг асосий қисми шу тармоққа тўғри келади, шу боис бу қўйчиликни илмий асосда ривожлантириш, маҳалий шароитга мос зотдор қўйларни танлаш, меъёр даражасида парваришлаш, тўла қийматли озиқлантириш ҳамда наслчилик ишларини янада яхшилаш муҳим ва долзарб вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Қўйларнинг келиб чиқиш тарихига назар ташласак, чорва ҳайвонлари ичида энг биринчи қўлга ўргатилган жонзотлардан биридир. Қўйлар ибтидоий жамоа давридаги қўлга ўргатилган энг қадимий ҳайвонлар бўлиб, бу эрамиздан аввалги 6-8 минг йилларга тўғри келади.

Ер юзининг барча халқлари айниқса – Ўрта ва Марказий Осиё, Жанубий Европа ва Шимолий Африкада биринчилардан бўлиб қўйлардан уй ҳайвони сифатида фойдаланишган. Буни Ўзбекистондаги Сармишсой, Қозоғистондаги Қизил-Қара, Олтой ўлкасидаги Яланғоч ва бошқа ҳудудлардаги қадимги тошларга ўйилган қўйлар тимсолида мисол қилиб келтириш мумкин.

Дунёда қўйларнинг 600 га яқин зотлари мавжуд. Осиё давлатларида (Россиядан ташқари) кўпроқ дағал жунли зотлар кенг тарқалган, Африка қитъасида асосан жунсиз ва дағал жунли қўйлар, Европада ярим майин жунли ва дағал жунли, Америкада майин жунли ва ярим майин жунли қўйлар, Австралия қитъасида майин ва ярим майин жунли қўйлар урчитиб, кўпайтирилмоқда.





## ҚЎЙЧИЛИКДА СЕЛЕКЦИЯ-НАСЛЧИЛИК ИШЛАРИ

Селекция иши бу танлаш демакдир, агарда бирламчи зоотехния ҳисоботлари юритиб, ҳар йили қўчқор ва совлиқларнинг хўжалик фойдали (селекция) белгилари бўйича насллилик қийматларини аниқлаб, мажмуа белгилари бўйича баҳолаб, классларга ажратиб, танлаш ишларини олиб бориш ва такомиллаштириш ҳамда мазкур қўйларнинг янги тип ва зотларини яратиш наслчилик ишининг асосий вазифаларидан биридир.



*1-расм. "Ақчасой" типига мансуб наслли қўчқор*

**Бонитировка тадбирларида** сурувдаги ҳар бир бош қўчқор, она қўй ёки туқлилар келиб чиқиши, маҳсулдорлик кўрсаткичлари ва авлодларининг сифати бўйича баҳоланади, олган балларига кўра, классларга ажратилади, талабга жавоб бермайдиганлари брак қилиб сурувдан чиқарилади.

Бонитировка тадбирларида асосан селекция-наслчилик ишларининг ушбу асосий жиҳатларига эътибор бериш муҳимдир:

1. Урғочи ва эркак қўзиларни подани тўлдириш учун танлаш жараёнларида оналарининг (эгиз ёки кўп эгиз туғиши) пуштдорлигини ҳисобга олиш муҳимдир;




2-расм. Қўйчиликда бонитировка тадбирлари

- наслли қўзи олиш учун совлиқларни танлаётганда танланаётган совлиқларнинг онаси кўпинча экиз туққан қўйлардан бўлишига эътибор бериш;
- наслли қўзи олиш учун қўчқорларни танлаётганда кўпинча экиз туққан совлиқлардан туғилган қўчқорчаларга эътибор бериш лозим.

2. Йирик наслли қўзиларни танлаш пайтида оналари

гавдасининг узунлиги ва танасининг йириклигига ҳамда қўзилар сутдан ажратилган пайтда, эркак ва урғочи қўзилар тирик вазнининг юқорилигига эътибор бериш керак.

3. Қўйларнинг сут бериш хусусиятларига қараб танлашда, елин ҳажмига ва йириклилигига ҳамда сут миқдори юқори бўлган совлиқларга эътибор бериш керак.

4. Қўйларни жун бериш қобилияти бўйича танлаш ишлари олиб борилганда, уларни қирқимдаги жун оғирлигига эътибор бериш тавсия этилади.

5. Қўйларда танлаш ишларини олиб боришда уларнинг тез етилувчанлигига, ўсиш ва ривожланишига, ташқи муҳит (иқлим) шароитларига ва яйлов (тоғ, тоғолди, чўл ва ярим чўл-яйлов) шароитларига чидамлилигига эътибор бериш керак.

6. Танлашда қўйларнинг маҳсулдорлиги (тирик вазни,



3-расм. *Яриммайин жун берувчи гўштдор-сержун қўйлар*

сут соғими ва жун миқдори) билан ташқи тузилиши яъни экстерьер, конституцияси ва тана тузилиш шаклига ҳам эътибор бериш керак.

Сут берувчи қўй зотлари одатда узун оёқли, танаси йирик ва узун, суяги мустаҳкам, елин тузилиши безсимон ва кенг елин ойнасига эга бўлади.

Гўшт учун боқиладиган қўй зотлари эса гавдаси йирик, сағриси кенг, соғин қўйларга нисбатан суяги йирик, мустаҳкам ва оёқлари бироз калта бўлади.

Пуштдорлигида (ҳомиласи тушган, уруғланмай қисир қолган, жинсий аъзоларида камчилиги ёки касаллиги бўлган) муаммолар бўлган ҳамда қари (7-8 ёшдан катта) қўйлар сурувдан ажратиб олинади.

## ҚЎЙЧИЛИКДА ҚОЧИРИШ ТАДБИРЛАРИ

**Совлиқни қочириш даврида** жуфтлаш режаси ишлаб чиқилади ва шунга кўра қочириш ишлари олиб борилади. Бошқа хўжаликлардан ёки ўзида етиштирилган қўчқорлар танланади. Насл учун танланган қўчқорлар 1,5 ёшдан 3,5 ёшгача бўлиши мақсадга мувофиқдир. Чунки бу ёшларда қўчқорнинг уруғи харакатчан бўлади. Мавсумда ҳар 1 бош наслли қўчқорга 35-40 бош она қўй тўғри келиши тавсия этилади, шундагина қочириш учун танланган қўчқор озиб кетмайди, чарчамайди.

Қўйчиликда табиий (эркин ва қўлда) уруғлантириш ҳамда сунъий уруғлантириш усули қўлланилади.

***Эркин қочириш*** ташкилий жиҳатдан жуда оддийдир. Бунда қўчқорларни (ҳар 25-30 совлиққа битта қўчқор) 2 ойгача совлиқлар билан бирга қўшиб асралади. Совлиқлар қуюқа бошлаган сари қўчқорлар уларни қочира бошлайди. Аммо қочиришнинг бу усули бир қатор камчиликларга эга, аввало хўжаликда кўп миқдорда қўчқор асрашга тўғри келади, машҳур қўчқорлардан кенг фойдаланиш имкониятлари чекланган бўлади, ҳисоб-китоб ва наслчилик ишларини юритиб бўлмайди. Устига-устак жинсий аъзоларнинг юқумли касалликлари ҳайвондан ҳайвонга юқиши мумкин. Шу билан бир қаторда баъзан битта қўчқор баъзи совлиқларни доимий тарзда қочириши кузатилади, оқибат қўйларнинг бир қисми уруғланмай қолиши мумкин.

***Қўлда қочириш.*** Қочириш даврида совлиқлар отарига ҳар куни синовчи (фартук бойлаб) қўчқорлар қўйиб юборилади, сўнгра улар сурувдаги куйга келган совлиқларни излаб топади, сурув ичидан куйга келган совлиқлар ажратиб олинади ва махсус оғилхоналарда наслли қўчқорлар билан қочирилади. Бунда ҳар 80-100 бош совлиққа битта қўчқор ажратилади, битта наслли қўчқор бир кунда кўпи билан 2-4 та совлиқни қочириши мумкин. Қўлда қочиришни назорат қилиб турилади, бунда индивидуал саралаш, наслчилик ҳисобини юритиш мумкин. Аммо қочиришнинг бундай усулида битта наслли қўчқор 100 бошдан ортиқ совлиқни қочира олмайди.

***Сунъий уруғлантириш.*** Ҳозирги замон селекцияси талабларига жавоб берадиган энг замонавий усулдир. Қўйчиликда бу усулни қўллаб ҳар бир наслли қўчқордан табиий қочиришдагига нисбатан 10-20 баробар кўп насл олиш мумкин. Бруцеллёз, трихомоноз каби касалликлар тарқалишига барҳам беради, совлиқларнинг қисир қолиши камаяди.

Кейинги йилларда совлиқларни сунъий уруғлантиришнинг иккита усули, яъни наслли қўчқорларнинг уруғи олиниб, шу ернинг ўзида куйга келган совлиқларни сунъий

уруғлантириш ҳамда наслли қўчқорларнинг музлатилган уруғлари билан сунъий уруғлантириш усуллари қўлланилмоқда. Куйга келган совлиқларга наслли қўчқор ирғитилади ва вагина ёрдамида уруғ олиниб, уни суюлтириб 12-14 бош куйга келган совлиқ сунъий уруғлантирилади. Бунда бир мавсумда бир бош наслли қўчқордан фойдаланиб, 400-500 бош совлиқни сунъий уруғлантириш мумкин.

*1 жадвал*

**Қочириш усулларига кўра, бир бош қўчқорга тўғри келадиган она қўйлар сони**

| Қочириш усули | Ёш (1,0-1,5 ёшгача) қўзи қўчқор | Етук (2 ёшдан катта) ёшдаги қўчқор |
|---|---|---|
| Эркин қочириш | 15 | 25-30 |
| Қўлда қочириш | 40 | 80-100 |
| Сунъий қочириш | 150 | 400-500 |
| Музлатилган уруғлар билан сунъий уруғлантириш | 500-1000 | 1500-3000 |

Чорвачилик ва паррандачилик илмий-тадқиқот институтининг Оҳангарон бўлими олимлари томонидан илк бор хориж (Россия Федерацияси)дан Шимолий Кавказ гўштдор-сержун зотли наслли қўчқорларининг музлатилган уруғлари олиб келиниб, маҳаллий шароитда Ўзбекистоннинг ярим майин жунли гўштдор-сержун қўйларида сунъий уруғлантириш амалиёти ўтказилди ва улардан наслли қўзилар олинди.



*4-расм. Гўштдор-сержун қўйларда сунъий уруғлантириш амалиёти*

Илгари республикамизга хориждан зотдор қўчқорларнинг музлатилган уруғи келтирилиб, совлиқлар сунъий уруғлантирилмаган эди.

Бу ҳар томонлама қулай, наслли қўчқорни олиб келишдан кўра минг чандон самаралидир.

**Наслли қўчқорни совлиқларга қўшиш учун тайёргарлик**

Қочиришнинг дастлабки 4-5 кунларида сурувга ҳамма қўчқорларни қўйиб юбориш ярамайди, масалан, 600 бошли отарларга 15 бош наслли қўчқор талаб этилса, дастлаб шуларнинг 5 бошини қўйиб, сурувдаги қўйларнинг жинсий майлини уйғотиш, 4-5 кундан кейин эса ҳаммасини қочиришга қўйиш, кечаси қўчқорларни ажратиб, алоҳида (кучли озуқалар ва товуқ тухуми билан) озиқлантириш тавсия этилади. Бу қисир қолиш миқдорини камайтиради, эгиз қўзилар туғишлар сони ортади, она қўйлар қисқа муддатларда натижали уруғланади ва қўчқорларнинг оталантириш даражаси юқори бўлиб, қисир қолишнинг олди олинади.

Қўчқорларни озиқлантиришдан ташқари, қочириш салқинда амалга оширилиши зарур, чунки қочириш пайтида юксак ҳарорат (иссиқлик) қўйлар ва қўчқорларга салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун ёзда қўйларни тунда ўтлатиш ва қочиришни салқинда ташкиллаштириш самаралидир. Қўчқорларнинг эркак жинсий аъзоларидаги жунларини қирқиш уларни уруғ самарадорлигини орттиради.

## СОВЛИҚЛАРНИНГ БЎҒОЗЛИК ДАВРИ ВА ҚЎЗИЛАТИШ ТАДБИРЛАРИ

***Совлиқларнинг бўғозлик даври.*** Қўйларни натижали уруғлантиришдан бошланиб, туғишига бўлган физиологик ходисалар "бўғозлик"даври, деб номланади. Қўйларнинг ҳомиладорлик даври ўртача 5 ой, яъни 145-155 кунни ташкил этади. Ёши катта она қўйлар ёш она қўйларга нисбатан 1-2 кун кеч туғади, эгизак туғадиган она қўйлар битта туғадиганларга қараганда 1-2 кун кечроқ болалайди.

Бўғозликнинг сўнгги 1-1,5 ойларида она қўйларга назоратни кучайтириш ва алоҳида эътибор талаб этилади уларни тез юришга, тор жойлардан ва хандақлардан ўтишга мажбур қилмаслик керак.

***Қўзилатиш (тўл) мавсуми*** қўйларнинг махсулдорлик наслдорлик хусусиятларини ўзида намоён этувчи даврдир Натижа яхши бўлса, кўпроқ соф фойда олиниб, юқори самарадорликка эришилади. Шунинг учун ахоли хонадони ва фермер хўжаликларида қўзилатиш мавсумида чўпонлар мутахассислар сергак бўлишади.

Ишлаб чиқариш шароитига қараб қўзилатиш мавсуми икки хил бўлади: биринчиси - бу қўйларни қишда - эрта (январь-февраль) туғдириш, иккинчиси - баҳорда (март-апрель) туғдириш.





**Туғдириш (даврлари) муддатлари**

***Қиш (январь-февраль) да туғдириш*** қўйчиликда бош сонини кўпайтиришни таъминловчи ва уларнинг маҳсулдорлигини оширувчи илғор усуллардан бири ҳисобланади.

Бу даврда қўзилатишнинг ижобий томонлари билан бирга, салбий томонлари ҳам бор, яъни қўшимча харажатлар – бўғоз ва янги туққан совлиқлар учун омихта емлар, сифатли пичан, туғдириш учун иссиқ бинолар ҳамда қўшимча ишчи кучи ва бошқа харажатлар талаб қилинади.



*5- Расм. Қиш даврида туғилган қўзичоқлар*

Агарда ушбу юқорида кўрсатилган шароитлардан бирининг етарли даражада ёки умуман бўлмаслиги сурувдаги янги туққан она қўй ва айниқса, қўзиларнинг кўплаб нобуд бўлишига олиб келади.

***Баҳорда (март-апрелда) туғдириш.*** Яйловлар кўк ўтга бурканган маҳал туғадиган совлиқларни иссиқ қўйхоналарда асрашга зарурат бўлмайди. Баҳорда қўзилатиш учун она қўйлар ***октябрь-ноябрь ойларида урчитилади.*** Совлиқ ва қўзиларни яйлов шароитида асраб, қўшимча озиқлантирмасиз яйлов шароитида боқиш мумкин. Янги туғилган қўзилар онасининг сутига тўйиб эмади, уларнинг ўсиши ва ривожланиши меъёрда бўлиб, юқори даражада семиради. Бу усул қўзилатиш мавсумини қўшимча совуқ бўладиган йил-

Inv № бр 33381.

лардан ташқари харажатларсиз ўтказишда самаралидир. Лекин бу даврда қўзилатишнинг ижобий томонлари билан бирга салбий томонлари ҳам бор. Яйлов шароитида қўзилатишда кечаси ҳаво ҳарорати бирданига пасайиб, салқин бўлиши натижасида янги туғилган қўзилар шамоллаб, касалланиши мумкин. Устига-устак қўзилар 1,5-2,0 ойлигидаёқ яйлов ўтини истеъмол қилади. Бу дағаллашган ва қуриб қолган яйлов ўтлари баҳорги қўзилар ошқозонига ботмайди, натижада қўзилар нисбатан ўсишда орқада қолади, нимжон бўлади. Бу қўзилар гўшт учун сўйишда ҳамда келажакда қўзиларни парваришлаб,сурувларни қайта тўлдиришни таъминлашда муҳимдир.

Илмий ва амалий тажрибалардан келиб чиқиб, шуни тавсия қиламизки, совлиқларни қўзилатиш ***февраль ойидан бошлаб, март ойининг ўрталарида*** тугатиш энг мақбул давр ҳисобланади. Бу даврни ***кеч қишки ва эрта баҳорги туғдириш даври*** деб юритилади. Бунинг учун қочириш мавсумини сентябрь ва октябрь ойларида ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Бу даврда она қўйларнинг пуштдорлик хусусиятлари 20-25 % га ортиб, улардан ишлаб чиқаришга яроқли соғлом қўзилар туғилади.



*6- расм. Қиш ойларида туғилган қўзилар онаси билан*

***Туғиш мавсумида*** бўғоз она қўйларни асраш шароитларига алоҳида эътибор бериш лозим. Бўғоз қўйларни туғишига 1-3 кун қолганда уларни елини катталашади, жинсий аъзолари қизариб, чўзилади, сағриси осилади. Туғишдан олдин она қўй безовталанди, қорин қисмини ялайди, тез-тез ётиб туради, бемалол жой излайди, агарда бўғоз совлиқни озиқлантириш ва асраш шароитлари тўғри бажарилган бўлса, туғиш жараёни яхши ўтади. Жинсий аъзода йўлдоши кўриниб, ҳомила чиққунча бўлган вақт 30-40 дақиқа, биринчи марта туғаётган қўйларда бу жараён 50 дақиқа бўлса, ўз вақтида туққан хисобланади. Агарда юқорида кўрсатилган вақтдан 10-15 дақиқа ўтиб кетса, она қўйга ёрдам кўрсатиш лозим. Она қўй туққандан 1,5 соат ўтгандан кейин йўлдоши тушади, агарда 5-6 соатдан ўтиб кетса, ветеринарни ёрдамга чақиринг. Туғруқ ниҳоясига етгач ёки туғруқ пайтида киндик ўз ўзидан узилиб кетади, қўйларнинг йўлдоши чиқиб кетиш вақти 0,5-3 соат. Йўлдош тушгандан сўнг бачадон ўз ҳолига кела бошлайди, қўйларда ушбу муддат 30 кун давом этади. Йўлдош тушгач, уни кўмиб ташлаш керак, баъзан она қўйлар ўз йўлдошини ейиши мумкин.



*7-расм. Бўғоз қўйларга туғиш пайтида ёрдам бериш*



Қўзиларда киндик тозалаш наслнинг саломатлиги учун муҳимдир. Шунинг учун киндик 4 бармоқ пастдан кесиб боғлаб, йод билан дезинфекция қилиш керак.

Туққандан кейин совлиқнинг елин қисмидаги жунлар тозаланади, жинсий аъзолари иссиқ сув билан ювилади ва 2-3 соатдан кейин озгина (1-1,5 л ) илиқ сув жониворга ичиш учун берилади.

## ҚЎЗИЛАРНИ ПАРВАРИШЛАШ

***Огиз сутини бериш.*** Соғлом қўзи туғилгандан 15-20 дақиқа ўтгандан кейин онасининг елинини ҳидлаб топади ва эмади, бундай пайтларда уларни стрессга учратмаслик, яъни безовта қилмаслик тавсия этилади. Агар у онасини эма олмаса, эмишига ёрдам берилади.

***Қўзиларга огиз сути албатта берилиши керак, у 3-5 кун давомида ажралиб чиқади. Огиз сути таркиби кўпгина витаминларга ва оқсилга бой бўлиб, қўзиларнинг касалликка қарши иммунитетини оширади.***



8-расм. Янги туғилган қўзичоқларни парваришлаш

Баъзи ҳолларда, совлиқ (жуда ориқ бўлганлигидан ёки семизлиги меъёрда бўлса ҳам) боласини елинига яқин йўлатмайди. Бундай қўзилар қатори онаси ўлган ёки эгизак бўлиб туғилган қўзиларни (агар онаси эгизакларни боқа олмаса) бошқа янги туққан қўйларга ўргатиш керак бўлади. Бу ачинарли ҳолат. Шу боис муаммога ҳожат қолдирмаслик учун қуйидаги тадбирларни қўлланг:

- ўргатиладиган қўзичоқ билан она қўйлар катакларда бирга сақланади;
- бироз вақт ўтгач, она қўйлар қўзичоққа ўрганиб эмишига рухсат беради;
- она қўйнинг сути ўргатилаётган қўзичоқнинг бошига, танасига ва бурнига суртилади. Қўйлар қўзичоқни ҳидлаганда, ўзининг боласи деб ўйлаб, уни бегона қилмайди;
- ўлган қўзичоқнинг мўйнаси қўзичоқнинг орқасига боғланади;
- қуйининг зурриётлари туғилгандан сўнг дарҳол нобуд бўлса, қуйининг йўлдоши ўргатилаётган қўзичоққа суртилади;
- она қуй думининг орқа қисми етим қўзига яхшилаб суртилиб, унинг ҳиди қўзига сингдирилади.

***Қўзиларни боқиш усуллари***

Ўзбекистонда қўзиларни табиий боқиш ва эрта сутдан ажратиш усулларида боқилади. Шунинг билан бирга, қўйчиликда олиб борилган илмий-тадқиқотларга асосланиб, қўзиларни тезроқ ривожланишини таъминлаш мақсадида уларни ёшлигидан жадал бўрдоқилаш усулларини қўллаш тавсия этилади.

***Табиий боқиш усулида*** қўзилар сутдан ажратишгача бўлган вақт мобайнида онаси билан биргаликда оғил ва яйловларда боқилади ёки сутдан ажратилгунга қадар оғилда сақланади. Республикамизда совлиқлар асосан соғилмайди, қўзилар 4,5-5 ой давомида онасини эмади. Қўзилар (зотига, парваришига қараб) сутдан ажратилган пайтда қоракўл зотларда ўртача 25-30 кг, гўшт йўналишидаги думбали зотларда 35-40 кг тирик вазнга эга бўлади. Бу даврда яйлов шароитларини ҳисобга олган ҳолда қўшимча тўйимли озуқалар билан озиқлантириш мумкин.




*9-расм. Гуштдор-сержун ва эдилбой зотли совлиқлар қўзичоқлари билан*

***Эрта сутдан ажратиш*** деганда қўзиларни одатий эмиш давридан аввал сутдан ажратиш тушунилади. Бу усул икки мақсадда амалга оширилади: биринчидан, бир йилда

бир бошдан ортиқ қўзи олиш, иккинчидан она қўйларни тезроқ кейинги қочиришга тайёрлаш учун бу усулни қўллаш яхши натижа беради, чунки аҳоли хонадонида 1,5-2,0 ойлик ёшида сутдан ажратилган қўзиларни боқиб, парваришлаш имкониятлари мавжуд.

Янги туғилан қўзиларга ҳар бир килограмм қўшимча вазн олиши учун ўртача 5 кг она сути сарф қилинади, 2,0-2,5 ойлигида эса улар кунлик ўртача 250-300 грамм семириши учун кунига 1,2-1,5 литр она сутини эмиши керак. Лактация даврининг ўрталарига бориб она сути аста–секинлик билан пасайиб боради, қўзиларнинг эса тўйимли озуқага бўлган талаби ошиб бораверади. Шунинг учун қўзиларни 15-20 кунлигидан бошлаб концентрат, пичан ва ширали озуқаларга ўргатилади.



*10-расм. Қоракўл ва ҳисор зотли совлиқлар қўзичоқлари билан*

Чорвачилик ва паррандачилик илмий-тадқиқот институти Оҳангарон бўлимида ишлаб чиқилган тавсияларга асосан республикамизнинг тоғ ва тоғолди ҳудудларида гўшт-ёғ йўналишидаги думбали қўй зотларида қўзиларни боқишнинг қуйидаги усуллари мавжуд: омихта ем билан қўзиларни боқиш 1 ойлик ёшидан бошланади, бунда икки хил йўл бор:

а) қўзилар совлиқдан ажратилгач, махсус бўлимга олиб борилади. У ерда ярим кун қолади, қўзиларнинг олдига омихта ем ва тоза сув қўйилади. Куннинг иккинчи ярмида қўзилар она қўй ёнига олиб борилади ва эмиши таъминланади;

б) қўзилар алоҳида бўлимларда асралади, охурларга омихта емлар солингач, қўзилар кун давомида шу ерда овқатланади. Она қўйлар яйловдан қайтгач, қўзилар бўлимдан чиқарилиб, онасини ёнида эрталабгача бирга бўлиб эмади.

Биринчи усулда қўзичоқлар аралаш овқатланишга тезроқ ўрганади, лекин бу иш кўпроқ меҳнат талаб этади.

Қўзилар 8 ҳафталик, яъни 2 ойлик ёшида совлиқлардан ажратилади. Агар қўзи онасининг сутига тўйиб, меъёрида боқилган бўлса, бу ёшдаги қўзиларнинг тирик вазни ўртача 18-21 кг га етади.

Қўзилар оналаридан ажратилгандан сўнг, улар ёмғирдан ҳимояланган, таги қуруқ ва ҳаво оқими елвизак бўлмаган, алоҳида хоналарга жойлаштирилади. Ушбу қўзичоқлик бўлимидаги идишлар оддий, аммо қўзилар кира олмайдиган усулда тайёрланиши керак. Акс ҳолда ифлосланиш туфайли озуқалар истеъмолининг пасайиши ва касалликлар тарқалиши мумкин.

Қўзилар 50-60 кун давомида тегишли вазнга (25-30) етгунча бўлимда сақланади, бу даврда қўзиларга озуқалар аралашма ҳолда берилади.



***2-жадвал***

**Қўзиларни озиқлантириш учун аралашмалар рецептлари**

| 1-аралашма | | 2-аралашма | | 3-аралашма | |
|---|---|---|---|---|---|
| Емлар | фоиз | Емлар | фоиз | Емлар | фоиз |
| Арпа | 60 | Арпа | 46 | Арпа | 80 |
| Пахта чигити шроти | 21, 25 | Маккажўхори | 28,35 | Пахта чигити шроти | 18 |
| Буғдой кепаги | 15,40 | Кунгабоқар шроти | 22,75 | Оҳак тош | 1,4 |
| Оҳак тош | 2,5 | Оҳак тош | 2,0 | Туз | 0,5 |
| Туз | 0,5 | Туз | 0,3 | Витамин аралашма | 0,1 |
| Витамин аралашмаси | 0,25 | Витамин аралашмаси | 0,5 | | |
| Минерал аралашмаси | 0,1 | Минерал аралашмаси | 0,1 | | |



*11-расм. Етук ёшдаги қўйларни катакларда (бўлмаларда) боқиш*

Қўзилар учун энг яхши омихта озуқалар – буғдой кеп[illegible] пахта чигити шроти, сули, арпа; ширали озуқалар – май[illegible] ланган илдизмевалилар ҳисобланади. Қўзиларни сифа[illegible] беда пичани билан истаганча озиқлантириш мумкин.

Бу даврда қуйидагиларга эътибор беринг:

- бўлимда қўзилар учун янги ва узлуксиз озуқа бўлси[illegible]
- бўлимда озуқа охурлари ҳеч қачон бўш қолмасин;
- қўзилар аралаш озуқаларга аста-секин ўргатилсин;
- охурлар сув, ёмғир ва қор каби салбий таъсир этув[illegible] омиллардан ҳимояланган бўлиши керак;
- нам емлар моғорлаши мумкин, шунинг учун охурл[illegible] тез-тез текширилиб турилиши керак, агар айниган ем[illegible] бўлса, дарҳол уларни охурдан олиб, жойларни тозалаб [illegible] йиш керак.

## ЖУН ҚИРҚИМИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ

Республикамизда дағал жун берувчи (қоракўл, жайда[illegible] ва ҳисор) зотларни икки марта: эрта кўкламда, табиий ту[illegible] лаш бошланиши билан ва кузда, қочириш мавсуми бош[illegible] ниши олдидан қирқилади.

Яриммайин жун берувчи гўштдор-сержун қўйларни йи[illegible] да бир марта, кўкламда (апрел, май) қирқилади. Жун қирқи[illegible] га, одатда, илиқ кунлар бошланиб, қўйларнинг жуни "тоби[illegible] келган" пайтда – апрелнинг иккинчи ярмида киришилади.[illegible] даврда табиий гуллаш бошланиб, қўйларнинг жуни япо[illegible] лана бошлайди; япоғи билан терининг бирикканлиги бўш[illegible] шади, бу эса жун қирқимини осонлаштиради. Жун қирқи[illegible]



[illegible] муддатларда ўтказиладиган бўлса, бу ишлар анча [illegible], муддат кечиктирилиб юборилганда эса жуни [illegible] қўйлар иссиқдан қийналади, яхши ўтламай- [illegible] яхши емайди ва ориқлай бошлайди; бошқа [illegible] ётуклик ёшидаги қўйлар ҳам иссиқдан қийналади, [illegible] натижасида жунини йўқотади. Жуни олинган қўйлар- [illegible], ёмғирдан ҳимоя қилиш керак.

***Қирқимга тайёргарлик.*** Қирқим бошланишидан олдин [illegible] ни, қирқиш машинкалари ва қирқиладиган қўй- [illegible] аниши керак. Қирқиладиган жойлар тоза бўлиши [illegible] шу билан бирга қирқиладиган ҳудуд соя-салқин жой [illegible] мақсадга мувофиқдир. Агар қирқиш ёпиқ жойда амал- [illegible] бўлса, у етарли даражада ёруғ бўлиши [illegible] қирқим жойлари текис бўлиши, тупроқ-чанг бўлмас- [illegible] керак, иложи бўлса тахта пол ёки резина тўшамадан [illegible] анишини тавсия этамиз.

Қирқимдан олдин машинка парчаларга бўлинади, пи- [illegible] ўткирланади, электр машинка қисмлари тозалана- [illegible] ва мойланади, эҳтиёт қисмлари захира қилиб тайёрлаб [illegible], тайёрланган электр машина билан қирқиш осон [illegible]

Қирқимга қўйларнинг тайёргарлиги ҳам муҳимдир, агар- [illegible] қўйларда тиканаклар бўлса, кесиб олиб ташланади, қўй- [illegible] бир кеча оч қолдирилади, оч қолган қўйлар атрофни [illegible] ифлослантирмайди.

Қирқим жараёни қўчқорлардан бошланади, кейин сов- [illegible] ва ундан кейин 1-2 яшар қўйлар қирқилади.

Қирқим пайтида эътибор қаратилиши керак бўлган ма- [illegible]лар:

- қирқим пайтида жунни парча-парча қилиб эмас, балки [illegible] бутун ҳолича қирқиб олиш мақсадга мувофиқдир;

- терига яқин жойдан қирқиш керак;

- қирқим пайтида терини ва қўй танасининг бошқа жой-ларини кесишдан сақланиш керак.

## Қўйлар жунини қирқлик қайчи ва электр машинкада қирқиш

Қўйлар қирқлик қайчи билан қирқилганда қўйларнинг танаси жундан тўлиқ тозаланмайди, жуннинг бир қисми қўй-ларда қолади, қўй терисини кесиш даражаси машинка ёрда-мида қирқишдан юқори бўлади. Малакали қирқувчи қайчи ёрдамида бир кунда ўртача 60-70 бош қўйнинг жунини оли[шi] мумкин.



*12-расм. Жун қирқиш учун электр машинка ва қайчи*

***Машинка ёрдамида қирқим.*** Қирқим машинкалари сар-рошнинг соч кесиш ускунасининг каттароқ шакли бўлиб, ул[ар] турли хил энергия манбаларидан қувват олиб ишлайди. С[та]-ционар ва кўчма машинкалар мавжуд.

Машинка ёрдамида қирқим жуда кўп афзалликларга э[га]:

- қирқим қисқа муддатларда бажарилади, малака[ли] қирқувчи бир кунда 150-200 бош қўйни қирқиши мумкин;

- машинка жунни терига яқинроқ қилиб қирқади, оли[н]-ган жуннинг сифати юқори бўлади;

…тери силлиқ бўлади, бу эса жингалак жунларнинг бир …лигини оширади.

…нга зарар бермасдан осонлик билан қирқиш учун қўй- …тутиб туриш билан бирга машинкадан фойдаланиш тех- …асини пухта эгаллаш лозим, жунни бутун ҳолатда қирқиб …шга эътибор қаратиш керак.

Маҳаллий қўй зотлари кўпроқ ҳаракатчан бўлгани учун …р боғланади. Майин ва яриммайин жун берувчи (Меринос) …лар бирмунча ювош бўлганлиги учун уларни боғламасдан … қирқса бўлади. Қирқим кўкрак қисмидан бошланади, сўнг- …орининг пастки қисми ва атрофи қирқилади, ундан сўнг … орқа оёқлари ичи ва ташқариси, чап орқа оёқлари ичи ва …қариси қирқилади. Сўнг қўй ўнг томонга ётқизилади, чап …ка қисмидан бошлаб, аввал ўнг орқа, ён ва бўйин қирқила- … кейин қўй чап томонга ётқизилади. Қирқиш ўнг қисмидан …ланиб, қовурға тарафида тугайди. Қирқишни кетма-кет …ни бажариш учун, қирқувчи қулай жойлашиб олиши ва қўй- …нинг иложи борича кам ҳаракатлантириши зарур.

Қирқиш пайтида машинкада йиғилиб қолган ёғ ва чанг …лашмаси пичоқнинг ҳаракатини қийинлаштиради, буни …лаш учун 40 даражада иссиқ содали сувдан фойдала- …шни тавсия этамиз.



*13- расм. Қўйларни махсус қайчилар билан қирқиш*

***Жун бузилмаслиги учун*** уларни тоза, қуруқ, салқин ва ёру жойларда сақлаш керак. Сақлаш жойида қопларни камид 15 см баландликдаги жавонларга қўйиш керак. Намлик жуннин сифатига зарар етказади, юқори иссиқлик, одатда, жун тарки бидаги намлик ва ёғнинг буғланиб кетишига йўл очиши мум кин, бу эса жун вазнининг йўқотилишига, жуннинг сифатинин пасайишига олиб келади. Нопок жойларда сақланган жунд турли бактериялар кўпайиши мумкин.

## ҚЎЙЛАРНИ ЯЙЛОВЛАРДА ОЗИҚЛАНТИРИШ

Қўйларни яйловларда боқишга тайёрлаш учун қуйида гиларга эътибор беринг:

- ўтлоқ яйловларга боришдан аввал қўйлар кўрикда ўтказилади, ўсган туёқлар, тирноқлар кесилади. Касаллан ган, заиф бўлган қўйлар соғлом қўйлардан ажратилади Улар катта қўйлар (4 ёшдан катта қўйлар), туқли (1 ёшда қўзилар) ва қўзичоқларга ажратилади ва вазиятга қара бир муддат ёзги оғилхоналарда сақланади;



*14- расм. Эрта баҳорда қўйларни яйловларда озиқлантириш*





- боқиш мавсумидан аввал итларга дори бериш керак, чунки улар кўплаб паразит ташувчилар ҳисобланади. Куртлар туширилиб, йўқ қилинади;
- мавсумий ўзгаришлар, (қиш давридан баҳор-ёз даврларига) озиқлантириш ва боқиш ишларида, оғилхонадан яйловга ёки яйловдан оғилхонага ўтиш бирданига бўлмаслиги керак;
- баҳор ойларида эрталаб қировларнинг эриб кетишини ҳисобга олиб, кун бўйи ўтлатиш мумкин;
- қўйларни эрта тонгда шудринглар эриб кетмасдан олдин яйловга қўйиб юборманг, акс ҳолда қўйларда турли оғриқлар содир бўлиши мумкин;
- қўйларни яйловда боқишдан аввал уларни суғоринг. Акс ҳолда улар яйловдаги кўлмак сувни ёки йўлда дуч келган сувни ичишлари ва шу сабабли касал бўлиб қолишлари мумкин.

### Қўйларни боқишда чўпонларнинг ўрни

Қўйларни боқишда чўпонларнинг меҳнати алоҳида аҳамият касб этади. Бугунги кунда чўпонлардан талаб қилинадиган нарса қўйларни талаб жаражасида боқиш ва уларнинг соғлигига эътибор беришдир.

Сурувни бошқариш ва яйловда ўтлатишда қуйидагиларни назарда тутинг:

- битта чўпонга тўғри келадиган қўйлар сони 200-300 бошидан ошмаслиги керак;
- қўзилатиш мавсумида қўшимча ишчи кучи талаб қилинади;
- сурувни яйловда 150-200 метр кенгликда ва тахминан 10-15 сотих майдонда бир текис ейилишини таминлаш керак. Шу тариқа сийрак шаклда ейилган қўйлар бир-бирини

безовта қилмасдан ўтлайди. Агарда сурувдаги қўйлар сон жуда кўп бўлиб, бир жойга тўпланиб қолишса, сурувнинг о дида ўтлаётган қўйлар сурувнинг орқасида ўтлаётган қў ларга озуқа қолдирмайди, натижада қўйлар бошқа томон тарқаб кетади;

- сурувнинг олд томонида чўпон, орқасида эса ёрдам чи чўпон бўлиши ҳамда ҳар бир дақиқада 4-5 метр (250-30 метр тезликда) одимлаши керак. Яйловда ўт миқдори ка бўлса, бу тезликни ошириш мумкин, акс ҳолда қўйларга яй лов озуқаси етишмайди ва оч қолишади;
- итлар сурувни ҳимоя қилиш учун ишлатилади 100-120 қўйга 1 ит тўғри келиши керак;
- катта яйловларда ўтлатишда яйловнинг бир томон дан бошлаб, кенглиги 150-200 метр бўлган ҳудудни охириг ча бир четдан ўтлатиш керак;



*15- расм. Қўйларни кеч куз ва қиш ойларида яйловларда озиқлантири*





- иссиқ бўлган даврларда, қуёш тик кўтарилмаган вақтда подани шарққа, қуёш тик кўтарилиб, ҳарорат янада бўлганда шимолга ва кечқурун ғарбга томон ўтлатиш керак;
- баҳор ва куз ойларида қўйларни кун бўйи ўтлатиш мумкин. Қўйлар ёз ойларида пешин вақтида иссиқ пайти ўтлашни ёқтирмайди, шу боис уларни соя жойда бироз дам олдириш керак;
- қўйлар қиров эриб кетгандан сўнг эрталаб соат 7-8 ларда қўйларни яйловларга олиб бориш ва соат 10 да дам олдириш керак. Баҳорда эрталабки қировдан эҳтиёт бўлиш керак, эрта тонгдан қўйларни яйловга қўйиб юбормаслик керак, пешиндан кейин уларни аввал суғориб, кейин соат 16-17 лар атрофида яйловга қайтариш мумкин;
- ўтлатиш кун бўйи (бир неча соатлик дам олиш билан биргаликда) қўйлар тўйгунча давом эттирилиши керак;
- яхши яйловлар қўйларнинг озиқланиши учун етарлидир. Лекин қочириш мавсумида ва туққандан кейин совлиқлар албатта қўшимча озиқлантирилиши шарт.

## ҚЎЙЛАРНИ ЙИЛНИНГ ТУРЛИ ФАСЛЛАРИДА ОЗИҚЛАНТИРИШ

Қўйларни урчитиб кўпайтиришда муҳим бўлган мавсумий даврлар мавжуд, улар қуйидагилардир: қўйларни қўчириш даври, қишлов даври, тўл олиш (туғдириш) даври. Ушбу даврларда қўйларни яйловларда ўтлатишдан ташқари, юқори сифатли озуқалар билан озиқлантириш қўйларнинг маҳсулдорлигига ижобий таъсир этади.

***Қўйларни уруғлантириш даврида озиқлантириш.*** Совлиқларни натижали уруғлантириш ҳамда бўғозлик даврини

юқори даражага кўтариш, қочириш муддатларини қисқарти-риш мақсадида (уруғлантириш мавсумидан олдин ва ма-сум давомида) озиқлантириш, уруғлантириш мавсумидан озиқлантириш, деб аталади.



*16- расм. Баҳор фаслида тоғолди яйловларда қўй сурувлари*

*3-жадва*

**Наслли қўчқорлар учун кунлик намунавий рациони (бир бошга)**

| Озуқа турлари | Ўлчов бирлиги | Тинч (қочирилмаган) даврда | | Қочириш мавсумида | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | Миқдори, кг | Оз. бр | Миқдор, кг | Оз. бр |
| Кўк ўтлар | кг | 4,0 | 0,96 | | |
| Ҳар хил ўтлар пичани | кг | 1,0 | 0,45 | 2,0 | 0,9 |
| Омихта (концентрат) емлар | кг | 0,5 | 0,5 | 0,9 | 0,9 |
| Пахта шроти | кг | | | 0,3 | 0,27 |
| Гўшт-суяк уни | кг | | | 0.1 | 0,1 |
| Сабзи | кг | | | 1,0 | 0,14 |
| Туз | г | 15 | | 18 | |
| Товуқ тухуми | дона | | | 2 | 0,25 |
| Озуқа бирлиги | | | 1,91 | | 2,56 |



17- расм. Наслли қўчқорларни қочириш мавсумига тайёрлаш

Уруғлантириш даврида озиқлантириш таминан 4-6 ҳафта давом этади. Бу давр мобайнида ҳар бир она қўйга бериладиган кунлик ем-хашак миқдори 1,5 кг пичан ва 250-300 г омухта емни ташкил этиши мақсадга мувофиқдир. Бу қочириш мавсумида яйловларда ўтлаётган бўлса, қўшимча қуруқ ўт бериш шарт эмас, фақатгина аралаш ем берилади.

Қочириш мавсумида қўчқорларни озиқлантиришга эътибор бериш муҳимдир. Қўчқорларга кунига ўртача 2,0 кг ҳар хил ўтлар пичани, 0,9 кг омихта ем, 0,3 кг пахта чигити шроти, 1,0 кг сабзи, 2 дона товуқ тухуми бериш тавсия этилади.

***Она қўйларни бўғозлигининг иккинчи ярмида озиқлантириш***. Бўғоз қўйлар ҳомиладорлигининг сўнгги 1,5-2,0 ойлиги бу ҳомиланинг она қорнида энг тез етиладиган, қўзи туғилгандаги тирик вазнининг 70 фоизини, таьминлайдиган даврдир. Худди шу даврда тўла қийматли озиқлантириш йирик танали қўзилар туғилишига, совлиқ елининг кучли

ривожланиши натижасида кўп микдорда сут ишлаб чиқари шига шароит яратади. Яхши озуқа эгиз туғадиган совлиқла учун жуда муҳимдир. Ҳомиладорликнинг сўнгги даврида 50 60 кг тирик вазнли она қўйга бир кунда 1,0 кг сифатли піча ва 1 кг аралаш озуқалар берилади.



*18- расм. Бўғоз она қўйларни қишки яйловда озиқлантириш*

## Она қўйларни туққандан кейин дастлабки 2 ойида озиқлантириш

Қўйларда сут маҳсулдорлигининг энг юқори даври, қўзи лагандан кейин дастлабки 6-8 ҳафталик давридир. Шунин учун бу даврда тўла қийматли ва сифатли озуқалар била озиқлантириш сифатли ва тўйимли сут ишлаб чиқари ҳамда она қўй танасида озуқавий моддалар йўқотилиши нинг олдини олишда муҳим аҳамиятга эгадир. Шунинг би лан бирга қўзичоқлар оналарининг сутига етарлича тўйи ўсиш ва ривожланиши жадаллашади.

*4-жадвал*

**Она қўйлар учун кунлик намунавий озиқлантириш**

| Кўрсаткичлар | Ўлчов бирлиги | Бўғоз совлиқлар | Озуқа бирлиги | Туққан совлиқлар | Озуқа бирлиги |
|---|---|---|---|---|---|
| Табиий ўтлар пичани | кг | 0,8 | 0,32 | 1,0 | 0,40 |
| Беда пичани | кг | 1,5 | 0,70 | 2,0 | 0,90 |
| Арпа ёрмаси | кг | 0,3 | 0,38 | 0,4 | 0,50 |
| Буғдой сомони | кг | 0,5 | 0,12 | 0,5 | 0,12 |
| Ош тузи | г | 13 | | 15 | |
| Жами | | | 1,52 | | 1,92 |

Совлиқлар сут маҳсулдорлигига кўра, гуруҳларга бўлинади. Ишлаб чиқариладиган ҳар бир литр сут учун 400-600 г аралаш озуқа ҳамда қуруқ пичан берилади.



*19- расм. Кукламда қоракўл зотли қўйлар чўл яйловларида*

Бу даврда совлиқларга бериладиган аралаш озуқанинг таркиби протеин, витамин ва минерал моддаларга бой бўлиши шарт. Энергия манбаи асосан озуқа донларидан олинади.

*5-жадвал*

**Совлиқлар учун аралашма озуқалар салмоғи (фоизда)**

| | 1-аралашма | 2-аралашма |
|---|---|---|
| Дон маҳсулотлари (арпа, буғдой, маккажўхори) | 77,5 | 77,5 |
| Шрот (пахта ёки кунгабоқар) | 15 | 20 |
| Балиқ ёки суяк уни | 5,0 | - |
| Оҳактош | 1,9 | 1,9 |
| Туз | 0,3 | 0,3 |
| Витамин аралашмаси | 0,2 | 0,2 |
| Минерал аралашмаси | 0,1 | 0,1 |

## ҚЎЙ ҚЎРАЛАРИНИНГ ЎЛЧАМЛАРИ

Қўйхонани лойиҳалаштиришда эътиборга олинадиган жиҳатлар:

- Таянч майдонини ҳисоблашда она қўйлар учун 1,1-1,4 квадрат метр ва қўзи ва қўйлар учун 1,4-1,6 квадрат метр, қўчқорлар учун 1,8-2,0 квадрат метр ва қўзиларни боқиш учун 0,6-0,9 квадрат метр ҳисобланиши керак;

- Подадаги урғочи қўйлар бош сонининг камида 10 фоизигача иссиқхона бўлимига (туғруқхонага) ажратиш керак,





Туғруқхонада ҳар бир катак 1,5-2,0 квадрат метр бўлиши керак.

Етук ёшдаги бир бош қўй йилига 750-800 кг гўнг ишлаб чиқаради.



*20- расм. Қўйхона биносининг умумий кўриниши.*

**Қўранинг таркибий хусусиятлари**

***Пол.*** Қўраларга одатий ва панжарали пол тўшаш мумкин. ***Одатий пол*** сирасига бетон, қоя тошлар устига қум, шағал ва тупроқни зичлаб қилинган поллар киради. Бетон пол энг қулай ва маъқулдир, тайёрланиши оддий 15 см қоя тошлар устига 5,8 см бетон қуйилади. Арзон тез битадиган пол эса тупроқни зичлаб қилинган пол ҳисобланади. Тупроқни зичлаб қилинган пол сийдикнинг сингиб кетиши учун қулайлиги, нам бўлиб кетмаслиги, ҳашарот ва паразитлар яшаши учун ноқулайлиги билан ажралиб туради.

Ёмғир сувлари қўра полига сизмаслигининг олдини олиш учун қўра атрофида хандақлар қазилиши ёки пол 20-30 см

баланд бўлиши лозим. Шунингдек, қўра поли олд тарафга қа раб 5 фоизлик қия қилиб тўшалишини тавсия этамиз.



*21- расм. Тахта ва ярим бетон полли бўлмалар*

***Панжарали пол.*** Буни интенсив қўйчилик билан шуғул ланадиган мулкдорлару, қўзиларни бўрдоқига боқаётга фермерларга тавсия этамиз.

Панжаралар тахта, метал ёки бетондан қилинади. Та та панжара ўлчамлари (тахта эни) 4х5 см, 5х5 см ва 6х5 с бўлади. Орасидаги очиқлик (2 тахта орасидаги масофа) 1,5 см бўлиб, тахталар орасидаги масофани ўртача 1,9 см қили белгилаш мумкин. Ўлчамлари келтириб ўтилган мазкур та та панжаралар 10х5 см лик бруслар устига қоқиб маҳкамл нади.

Метал панжаралар ясси темирдан ясалганидек руло симлардан ҳам тўқилиши мумкин. Тўқилганда улар орасид ги очиқлик (масофа) 2х2 см ёки 7,5х1,2 см бўлиши мумкин.

Бетон панжаралардаги ўлчамлар: устки тарафининг эни 3,8 см бўлади, орасидаги очиқлик 2,5 см, қўйлар бетон панжарали полларда бошқа поллардагига нисбатан кўпроқ кирланади.

Панжарали полнинг ердан баландлиги 50-70 см бўлиши керак. Бу баландлик бир йилга етади, ундан сўнг йилда бир марта гўнгдан тозаланади.

***Девор*** хомашёси сифатида тош, хом ғишт, бетон ғишт ва пишиқ ғиштдан фойдаланиш мумкин. Хомашё жойнинг табиий ҳолати ва иқтисодий шароитларидан келиб чиқиб танланади.

Девор баландлиги боқиш усулларига ва иқлим шароитларига қараб ўзгаради. Қўйлар ишқаланадиган деворнинг баландлиги камида бир метрдан кам бўлмаслиги чидамли, материаллардан тайёрланиши керак. Баъзи ҳолларда девор баландлиги чордоқ баландлиги баробарида ҳам бўлиши мумкин.

***Девор баландлигини*** иссиқ минтақаларда 3 метр бўлишини тавсия этамиз, гўнгни тозалаш трактор ёрдамида амалга ошириладиган ҳолларда энг минимал баландлик 2,7 метрдир.

Эшиклар одатда, оғилхонанинг қия бурчагига жойлаштирилиши керак, эшик кенглиги учун тавсия этиладиган ўртача ўлчам 2,4 м.

***Том қисмининг*** кенглиги 7 метргача бўлган қўйхоналарда том бир нишабли, кенгроқ қўйхоналарда эса икки нишабли бўлиши мумкин. Томнинг нишаблиги, том ёпмаси, чордоқ узунлиги ва қоплама материаллари қандай бўлишини олдиндан аниқлаб олинг.

Қиялиги 2 нишабли томларда 25-40 фоизгача ва қоплама материалларига кўра 10-40 фоизгача ўзгариши мумкин.

Табиий шамоллатиш нуқтаи назаридан томнинг қиялиги камида 26 фоиз бўлиши керак.

Қўра томларини ёпишда турли хил усуллардан фойдаланиш мумкин. Том бутунлай ёпиқ бўлгани каби устма-уст икки қаватли, қаватлар ораси ойнаванд бўлиши мумкин. Қўйхонанинг томини ёпишда ҳар хил материаллардан фойдаланиш мумкин. Черепица, шифер, аллюминий, тунука, шунингдек, тупроқ, қамиш кабилардан том ёпиш материали сифатида фойдаланиш мумкин.

## Қўра ускуналари

***Охурлар.*** Дағал хашаклар охури, омихта емлар охури, силос учун ва аралаш озуқалар охури, маъданли озуқалар ва тузлар учун охурларга ажратилади.



*22- расм. Ҳар хил ўлчамдаги охурлар*

Охурларни ясашда ёғоч, бетон, тунукалар ва темир қувурлардан фойдаланиш мумкин. Охурлар қўйлар осонгина озиқланишига имкон берадиган тарзда бўлиши керак.

Ушбу охурларда бир бош етук ёшдаги қўйга тўғри келадиган охур узунлиги 45-60 см, бир бош қўзига 30-38 см узунликда ҳисобланиши керак, озиқланиш учун охурлар баландлиги 30-40 см, қўзилар учун эса баландлик 25-35 см бўлиши керак.

***Омихта емлар учун охур.*** Ушбу охур осон тозаланадиган ва кўчма шаклда бўлиши керак. Охур узунлигини қўзилар учун 33-40 см, қўйлар учун 40-45 см ва қўчқорлар учун эса 50-60 см бўлиши керак. Ем охурларнинг баландлиги қўзилар учун 20-30 см, қўйлар учун 25-35 см бўлиши мумкин.

***Кўчма силосли ва аралашма озуқалар учун охур.*** Қўйларни силос ва аралаш озуқалардан озиқланишига имкон берадиган тарзда жойлаштирилган ҳамда панжара шаклида бўлади, бир қўй учун охур узунлиги 10 см бўлиши етарлидир.

***Минерал озуқалар ва тузлар охури.*** Қўйларнинг туз ва минерал моддаларга бўлган эҳтиёжини қондириш учун ишлатилади.

***Сувдонлар.*** Қўйларнинг сув сарфи сувнинг ҳароратига, ҳайвоннинг тирик вазнига, ҳудуд иқлим шароитига ва мавсумга қараб ўзгариб туради. Бир бош етук ёшдаги қўй учун кунлик сув истеъмоли 2-8 литр орасида бўлиши мумкин.

Оғилхоналарда тўғри тўртбурчак шаклидаги сувдон, автомат сувдон ва томчилаб турувчи сувдон турлари қўлланилади. Тўғри тўртбурчак шаклидаги сувдонлар тунука ёки бетондан ясалади. Бугунги кунда пластмассадан ясалган автомат сувдонлар ҳам қўлланилмоқда. Уларнинг полдан баландлиги 40 см қилиб жойлаштирилади, ҳар 10 бош қўй учун сувдоннинг узунлиги 30-35 см бўлиши керак. Сувдонларни имкон қадар қўйларнинг дам оладиган жойдан, ем-хашак охурларидан узоқроққа жойлаштириш лозим, акс ҳолда қўй оғзида олиб борадиган чўп ва ем қолдиқлари натижасида сув қисқа вақт ичида ифлосланиши мумкин .

***Катаклар (бўлмалар).*** Оғилхоналарда қўйлар ўсиш ва ривожланишига қараб доимий ёки кўчма тўсиқлар билан ажратилади. Туғруқхона бўлмаларини лойиҳалаштирилаётганда оғилхонанинг энг илиқ ва шамол эсмайдиган жойини танлаш керак.



*23- расм. Қўзичоқлар учун профилакториялар*

100 бош урғочи қўй учун камида 10 та туғруқхона талаб қилинади. Туғруқхонанинг ўлчамлари 1,2х1,2 м, 1,2х1,5 м бўлиши мумкин. Қўйхона (оғилхона) ичидаги яна бир муҳим бўлма сақман бўлмасидир. Ундан ташқари, бўғоз қўйлар, қисир қўйлар, қўчқорлар ва касал қўйлар учун кўчма тўсиқлар билан алоҳида бўлимларга ажратиш мумкин.

## ҚЎЙЛАРНИНГ САЛОМАТЛИГИНИ АСРАШ

### Оғилхона тозалиги ва дизенфекция қилиш

Касаллик қўзғатадиган иллат гўнг ва сийдик билан ифлосланган оғилхона полида пайдо бўлади. Шунинг учун, агар иложи бўлса, сийдикни каналлар орқали тозалаш ва ювиш ва гўнгни тез-тез тозалаш керак. Агарда тўшамалар

(ёғоч қипиғи, сомон) ишлатилса, ифлосланган тўшамаларни иш бошланиши олдидан (туғиш бошланмасдан) тозалаш керак. Оғилхона деворини, пол ва шифтни оҳак қилиш лозим. Ёғочли жой (охурлар ва катакларни) металл қисмлари бўялиши, ферма тўлиқ дезинфекция қилиниши шарт.



*24- расм. Дори-дармонлар учун лаборатория*

Оғилхонанинг кириш ва чиқиш эшиклари бир хил бўлиши керак, иложи бўлса оғилхонага кираверишда оҳак ёки дезинфекцияловчи тозалик воситаларини қўйиш керак. Ёпиқ оғилхоналарда деразалар ва эшиклар панжара билан ўралган бўлиши лозим. Шу тариқа ҳар хил заракунандаларнинг оғилхонага кириб келишига йўл қўйилмайди. Гўнг турадиган жойлар оғилхоналардан узоқда бўлиши шарт, пашшалар ва шунга ўхшаш зараркунандаларнинг кўпайишини олдини олиш мақсадида гўнг тўпланадиган жойни тез-тез дориланг.

***Паразит касалликлари.*** Бошқа чорва моллари сингари қўйларда паразитлар ҳайвонларнинг маҳсулдорлигини пасайтиради ва турли касалликларни келтириб чиқаради. Паразитлар касалликларнинг биринчи гуруҳи – дистоматосис

(жигар қурти), дисроселиум, ошқозон-ичак қил қуртлари касаллиги, сенуроз (гир айланма ёки тентак) касаллиги, ичак тасмасимон чувалчанглари ва ўпка қуртлари касалликларидан иборат. Булар гельминт касалликлари, деб аталади.

Паразитларнинг иккинчи гуруҳига қўй безгаги, тейлерёз, фасциолез, анаплазмоз ва қонли диарея каби касалликларнинг қўзғатувчилари киради. Қўтир, кана, қон сўрувчи чивинлар, бит ва бургалар касаллик манбаидир. Улардан чорвани ҳимоя қилишда қуйидагиларга эътибор беринг:

- минтақанинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қўйларга бир неча марта дори берилади, бўғоз қўйлар бундан мустасно;
- яйловда ўтлатиш тартибга солинади, ҳайвонлар шиллиқ қуртлар кўпаядиган кўлмак сувли ва лойли нам жойларда боқилмаслиги керак;
- оғилхоналарда ёриқлар ёпилади;
- ёз мавсуми бошлангандан қўйлар чўмилтирилади;
- касал ҳайвонлар соғлом ҳайвонлардан ажратилади.




*25-расм. Фасциолезларнинг юқиш манбалари*

***Чўмилтириш*** паразит касалликларга қарши энг самарали усуллардан биридир. Қўйчиликда энг самарали дорилаш иши ювинтириш орқали амалга оширилади. Ювинтириш ва дорилаш ишида эътиборга олинадиган масалалар қуйидагилардир:

- ҳаммом сувига аралаштириладиган энг таъсирли дорининг ишлатилиш меъёрини аниқлаш учун қўйлардаги битлар, кана ва қўтирларни аниқланг. Мутахассис билан маслаҳатлашинг;

- дори-дармонларни қуруқ жойда, болалар ололмайдиган жойларда сақлаш керак. Ошхона анжомлари ва озиқ-овқат сақланадиган жойларда дориларни сақламанг;

- дори воситасини ҳаммомда сув миқдорига мос дозада ишлатиш ва ҳаммом сувига тўлиқ аралаштириш керак. Шунинг учун уни аввалроқ кичик идишларда намуна усулида аралаштириш керак. Кичик идишларда эритилган ёки кўпайтирилган препарат аста-секин ҳаммом сувига қуйилади ва аралаштириш учун узун таёқ билан бир йўналишда секин аралаштирилади. Дори-дармонли сув оғизга ва юзга, қўлларга тегиб кетмаслиги учун эҳтиёт бўлиш керак.

## Эпидемик касалликлар

Қўйларда эпидемик касалликларнинг келтириб чиқарадиган омиллар вируслар ва бактериялардир.

***Қўйларнинг чечак касаллиги.*** Қўйлар танасининг туксиз қисмида гул шаклидаги яраларнинг пайдо бўлиши касаллик аломатларидан биридир. Юқори ҳарорат, нафас олишнинг қийинлашиши, пульснинг кўтарилиши, кўзнинг шишиши, сийдик ва ахлатдаги ўзгаришлар ва бошқа аломатлар чечак даракчиси ҳисобланади. Бунга қарши энг

самарали ҳимоя эмлашдир. Эмлама қўзиларга, ҳар қандай ёшдаги қўйларга 0,5 дозада кўкрак ва ўнг билак ўртасидаги тери остига юборилади.

***Оқсил касаллиги ва унга қарши эмлаш.*** Бу касаллик турли фаслларда, кўпинча ёз ойларида учрайди, касалликнинг белгилари асосан тирноқлар орасида яралар пайдо бўлишидир. Камдан кам ҳолларда оғизда ҳам яралар кузатилади, бошқа аломатлари юқори ҳарорат, иштаҳанинг йўқолиши ҳамда бола ташлаш тарзида намоён бўлади. Оқсилдан ҳимоя қилиш касал қўйларни ажратиш ва эмлашдан иборатдир. Эмалаш йилнинг исталган вақтида ва барча ёш ва жинсдаги қўйларда амалга оширилиши мумкин. Эмламани бўғоз қўйлар ва 4 ойдан кичик ёшдаги қўзиларга қўллаш мумкин эмас.

***Катарал иситма касаллиги ва эмлаш.*** Бу қўйларга хос касаллик бўлиб, оғзида, тилида ва бурнида шиш кузатилади. Энг одатий аломат - бу тилнинг кўкариши ва осилиб қолиши, бунда ҳайвоннинг нафас олиши қийинлашади. Чивинларга қарши курашда, қўйларни эмлаш энг самарали кураш чорасидир. Бўғоз қўйлар эмланмайди, қўчқорларни қочириш мавсумидан кейин ёки қочиришдан 2 ой олдин эмлашни амалга ошириш керак.

***Вибриосис (юқумли бола ташлаш касаллиги) ва эмлаш.*** Бу касаллик ҳомиладорликнинг сўнгги ойларида қўйларда бола ташлаш шаклида намоён бўлади. Эмлаш ишлари урғочи қўйларни қочириш мавсумидан 3-4 ҳафта олдин амалга оширилади.

***Юқумли эктима ва эмлаш.*** Бу касаллик асосан қўзиларда учрайди, қўзиларнинг оғзи, тили ва оғиз атрофида пайдо бўлади. Тилнинг териси шилинади, яралардан қон кетиши мумкин, агарда яралар даволанмаса, улар яллиғланади. Яралар туфайли озиқлана олмайди ва қўзилар заифлаша-

ли, зарур чоралар кўрилмаса, қўзиларда ўлим даражаси 50 фоизгача кўтарилиши мумкин.

***Туёқ чириш касаллиги.*** Касаллик куз ва қишда кўпроқ учрайди. Яйлов ва оғилнинг лой ва нам бўлиши касалликни келтириб чиқаради. Қўйларнинг туёқлари яллиғланиб, ёмон ҳид келади, ҳайвон оқсоқланади, тирноқ шаклини ўзгартиради, агар даволаниш амалга оширилмаса, тирноқ ҳатто тушиши мумкин. Бунинг олдини олиш учун қўйхоналар тоза ва таги қуруқ бўлишини таъминлаш керак.

## Қўйларда учрайдиган бактериал касалликлар

***Юқумли энтеротаксемия касаллиги (ўт, ичак заҳарланиши).*** Энтроксемия билан касалланган қўзилар 1-14 кунлик бўлганида диареядан қисқа вақт ичида нобуд бўлади. Қўйларда касаллик аломатлари одатий кўринишда бўлади. Соғлом ҳайвонларда тўсатдан сакраш ва титроқ пайдо бўлади ва ҳайвон тўсатдан йиқилиб ўлади, ўлган ҳайвонларнинг ошқозон ва ичагида қон қуйилиш кузатилади. Энтеротаксемияга қарши кураш икки усулда амалга оширилади. Биринчиси, касалликнинг ривожланишида роль ўйнайдиган омилларни йўқ қилишдир, иккинчиси – эмлаш. Энтеротоксемия эмламаси фасллар алмашинувида, озиқлантириш шароитлари ўзгариши бошланишидан, яъни қишда боқишдан, ёзда яйлов шароитларига боқишдан олдин қўлланилади.

***Инфекцион некторик гепатит касаллиги (юқумли жигар).*** Касаллик аломатлари - тўсатдан турғунлик, юриш қийинлашуви, тез нафас олиш, бўйин эгилиши, тишларни ғижирлатиш ва тўсатдан ўлиш.

Касалликларга қарши кураш паразитларга қарши кураш тарзида амалга оширилади. Қўйларга жигар зараркунанда-

ларига қарши мунтазам равишда дори бериш керак. Оралиқ хост вазифасини бажарувчи шиллиққуртлар ва улар мавжуд бўлган ботқоқликлар дезинфекция қилиниши керак. Некротик гепатитдан ҳимоя қилишнинг яна бир воситаси эмлашдир.

***Куйдирги касаллиги (талоқдаги қора яралар).*** Касалликнинг аломатлари юқори тана ҳарорати, юракнинг тез уриши, титроқ, оғиздан сўлак оқиши ва орқадан қон келиши, қонли сийдик чиқариш, тез заифлашиш ва тўсатдан ўлим. Сўйилган ҳайвонларда қоннинг қуюқлашмаслиги ва талоқ меъёрдан ортиқ катта бўлиши кузатилган. Энг самарали чора эмлашдир.

***Юқумли бруцеллёз касаллиги.*** Ушбу касалликнинг асосий белгиси совлиқларда (ҳомиладорликнинг 2-4 ойларида) бола ташлаш ҳодисасидир. Касалликни аниқлаш учун қўйлардан қон олинади ва лабораторияга юборилади. Бу касаллик инсонга осонликча юқади. Айниқса, хом сут истеъмол қилинса ва чала пишган гўштдан юқиши мумкин. Бола ташлаган қўйларнинг бачадонидан нохуш ҳидли суюқлик келади. Касалликнинг олдини олиш учун биринчи навбатда касал ҳайвонлар сурувлардан ажратилади. Самарали ҳимоя эмлаш ҳисобланади.

***Бабесиосис (қон сийиш) касаллиги.*** Касалланган ҳайвонларда тана ҳарорати кўтарилади, кавш қайтармай қўяди, касаллик авж олганда сийдик ранги ўзгариб, қуюқлашади. Ўлган ҳайвонлар гўштининг ранги сариқ рангга киради, қарши чоралар кўрилмаса, ўлим даражаси жуда юқоридир. Энг самарали чора - эмлаш.

## ЎЗБЕКИСТОНДА ЎСАДИГАН АСОСИЙ ЗАРАРЛИ ВА ЗАҲАРЛИ ЎСИМЛИКЛАР

Яйловлар ва ўтзорларда заҳарли ва зарарли ўсимликларнинг мавжуд бўлиши уларнинг озуқавий қийматини кескин камайтириб юборади.

***Қўйлар заҳарли ўсимликларни истеъмол қилганда организмида жиддий ўзгаришлар содир бўлади, баъзида ўлим ҳолатлари кузатилади.*** Ўсимликларнинг заҳарлилиги уларда алоҳида кимёвий бирикмаларнинг: алколоидлар, гликозидлар, сапонинлар, органик (синил, оқсалат ва б. кислоталар), лактонлар, ткосаальбуминлар (фотозаҳарлилар-рицин, робин), эфир ёғлари (терпенлар, камфора), бўёвчи моддалар (госсипол, гиперицин), смолали моддалар мавжудлигидир.

***Зарарли ўсимликлар таркибида заҳарли моддалар бўлмаса-да, уларда ўткир четлар, мураккаб гуллар шодалари, қиррали тиконлари мавжуд бўлиб, бу иллатлар қўйларни озиқланишига халақит беради.*** Бу гуруҳ ўсимликлар озуқа сифатда ишлатилса ёки истеъмол қилинса, олинаётган чорвачилик маҳсулотларининг сифатини (сутнинг ранги ва таъми, терининг яхлитлиги, жуннинг кўрсаткичлари ва бошқалар) бузади. Чорва молларининг марказий асаб тизими фаолиятини бузувчи ўсимликлар қаторига заҳарли вех, оқ ва қора белена, красавка (беладонна), оддий луман, икки бошоқли хвойник, омежник ва бошқалар киради.



Левкойли сариқ ўти



Ўрмон жерушниги



Гулявник



Горчица



Дорили козлятник



Оқ беладонна



Чемирица



Кирказон



Ёввойи кўкнори

*26-расмлар. Баъзи заҳарли яйлов ўсимликлари*

Чорва молларининг марказий нерв тузилишининг фаолиятини камайтирувчи ҳамда фалажга олиб келувчи, уларнинг ошқозон, ичак тизимига салбий таъсир қилувчилар қаторига кузги ва тоғли безвременниклар, бобовник, ап-

печалик борец (аконит), баргсиз ежовник, экиладиган ва баланд орляк, оддий кирказон, папаротник, ит петрушкаси кокориш), ракитник, сариқ рododенрон, самшит, термопсис, денгиз триостреници, чемерица ўсимликлари киради.

Чорва молларининг нафас олиш ва озиқланиш тизимлари фаолиятига таъсир этувчи ўсимликлар қаторига: дала горчицаси, заҳарли ва қаторли гулявник, левкойли сариқ ўт, ўрмон жерушниги, дорили козлятник, ёввойи шолғом киради. Чорва молларининг озиқланиш тизимлари фаолиятига нохўя таъсир этувчи ўсимликлар қаторига дорили авран, андромед, доғли аронник, ботқоқ оққаноти, ваточник, гармала, аччиқ ва дорили листовень, ботқоқ мятаси, издизли ва сувли норичник, жариқ ва аччиқ очисток, қора паслен, перелека, юмалоқ баргли росянка, оддий (кўкли) румянка, частухалар киради. Кўпгина заҳарли ва зарарли ўсимликлар намли, ёмон қаралмаган яйловлар ва бошқа жойларда учрайди.

***Ўсимликлардан заҳарланишнинг белгилари.*** Ўсимликлар турли хил заҳарларни ўз ичига олади, шунинг учун ҳайвонларнинг ўсимлик турларига қараб қандай аломатлар кўрсатишини аниқ айтиш қийин. Аммо қуйидагиларни касаллик аломатлари, деб ҳисоблашимиз мумкин:

- ҳеч қандай сабабсиз, тушунарсиз шаклда касалланиш;
- тана ҳарорати кўтарилмаса ҳам марказий асаб тизимида ёки овқат ҳазм қилиш органларида тўсатдан безовталик ва сурувдаги кўпгина ҳайвонларда бу ҳолатнинг кузатилиши;
- юракнинг тез-тез уриши ва ошқозон ва ичакнинг бузилиши;
- заифлик, кома ҳолати ва нафас олишнинг қийинлашуви;
- тўсатдан ич кетиш ва ўлим.

Ўсимликдан заҳарланишни даволаш қийин кечади, баъзида бу ҳолат ўлим билан тугайди. Заҳарланишни олдиндан бартараф этиш муҳимроқ ва осонроқ ҳисобланади. Олдини олиш учун авваламбор, заҳарли ўсимликларни таниб олиш ва атрофда бута, ўтлоқ-яйлов ва дарахтларни билиш жуда муҳимдир.

Ўсимликлардан заҳарланишига қарши қуйидаги чораларни амалга ошириш мумкин:

- қўйларни суғориш ва юриши заҳарланиш аломатларини тезлаштириши мумкин. Шунинг учун заҳарли ўсимликларни истеъмол қилишда гумон қилинаётган ҳайвонлар сувдан узоқроқ тутилади ва юритилмайди;
- оч қўйлар заҳарли ўсимликларга кўпроқ сезгир бўлади, шунинг учун оч ва ориқ қўйларни яйловларга юборишдан олдин уларни пичанлар билан озиқлантириш керак;
- агарда қўйлар етарли миқдорда фойдали ўсимликларни топса, улар заҳарли ўсимликларни емайди, заҳарли ўсимликлар кўпинча мазали бўлмайди;
- қўйлар боқиладиган яйловларда заҳарли ўсимликларни чўпонлар таниб олишлари керак, агар заҳарли ўсимликлар мавжуд бўлса, яйлов улардан тозаланади ва уларга қарши чоралар қўлланилади;
- баъзи ўсимликлар маълум даврларда заҳарли ҳисобланади, бундай пайтларда қўйлар яйловларга қўйилмайди;
- заҳарли ўсимликлар фойдали ўсимликларга қараганда тезроқ ўсади, шунинг учун фойдали ва зарарли ўсимликлар яйловда тўлиқ ўсиб улгурмасдан қўйларни яйловга қўйиб юбормаслик керак;
- ҳайвонлар орасида заҳарланиш аломатлари пайдо бўлиши биланоқ, подани бу жойдан тезда олиб кетиш керак.

Хулоса қилиб айтганда, қўйларни оч ҳолда яйловга юбормаслик керак, айниқса, яйлов ўсимликлари ёмғир ёки шудринг билан намланганда заҳарли ўсимликларнинг таъсири юқори бўлади ва заҳарланишни келтириб чиқаради.

## Ажратиш ва карантин

***Ажратиш*** қисқача қилиб айтганда, касал ҳайвонлар ва соғлом ҳайвонларни алоҳида-алоҳида жойларга олиб бориш ва шу билан касалликнинг юқишига йўл қўймасликдир. Чўпонлар касал ҳайвонлар билан ишлаганда, фартук ва қўлқоплардан фойдаланиши керак.

Юқумли касалликлар юзага келган ҳолатларда, оғилхоналарда ва уларда ишлатиладиган асбоб-ускуналар яхшилаб тозаланади ва дизенфекция қилинади. Дағал хашак ва пичанларнинг очиқ жойда бўлган қисмлари чиқиндига ташланади ва қолган қисмлар дезинфекция қилинади. Ўлган қўйлар ёқиб юборилади ва чуқурга кўмиб ташланади. Ушбу жараёнлар пайтида юзага келган касаллик ҳақида ветеринар мутахассисларига ва маҳалла фуқаролар йиғинига хабар берилади. Ҳудуддаги барча қўйлар эмланади.

***Карантин*** бир мамлакатга ёки ҳудудга ташқаридан келаётган қўйларни алоҳида жойда сақлаш ёки касаллик пайдо бўлган ҳудуддаги қўйларни бошқа жойга кўчиришдан олдин бир муддат ушлаб туришдир. Ушбу жараён, айниқса, қўй сурувларини бошқа жойга ҳаракатлантирганда ёппасига қўлланилиши керак.

## ЎЗБЕКИСТОНДА УРЧИТИБ, КЎПАЙТИРИЛАЁТГАН ҚЎЙ ЗОТЛАРИ

***Жайдари зотли*** қўйлар халқ селекциясида (ўзимизда яратилган зот бўлиб), Ўзбекистоннинг маҳаллий думбали қўйлари, деб ҳам номланади. Республикамизнинг тоғли ва тоғолди ҳудудларида урчитиб, кўпайтиришга мослашган, бош сони жиҳатидан етакчи (10 млн га яқин) зотлардан бири бўлган соф жайдари зотли ҳамда бошқа (ҳисор, сараджи, эдилбай) қўй зотлар билан чатиштирилган дурагайлари кенг тарқалган.

Совлиқларнинг ўртача тирик вазни 55-60 кг, сермаҳсуллари 70-80 кг, жун қирқими 2,0-2,5 кг, етук ёшдаги қўчқорларники 80-90 кг, маҳсулдор қўчқорлар 100-130 кг, жун қирқими эса 2,8-3,0 кг ташкил этади. Қўчқорларнинг яғри баландлиги ўртача 76,3 см, гавдасининг қия узунлиги 80,8 см, кўкрак айланаси 96,2 см ни ташкил этади. Бу қўйлар йирик



*27- расм. Жайдари зотли она қўй ва қўчқорча*

танага эга бўлиб, айниқса оёғининг калталиги ва гавдасининг чўзинчоқ, бўйни калта кўтарилган, гавдаси чуқур, яғрини ва бели кенг, думбаси эса кенг кўтарилганлиги билан тавсифланади. Жайдари зотли қўйлар гўшт маҳсулдорлигининг юқорилиги ва қўзисининг тез етилувчанлиги билан ажралиб туради.

Бугунги кунда Чорвачилик ва паррандачилик илмий-тадқиқот институтининг Оҳангарон бўлими бошлиғи, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори Н.Р. Рўзибоев раҳбарлигида жайдари зотининг генетик имкониятларидан фойдаланиб, ҳисор зотли наслли қўчқорлар билан чатиштиришдан олинган II бўғин дурагайларини “ўз ичида” урчитиш ва олинган зот ичида яхшиланган дурагай авлодларда узоқ йиллар танлаш натижасида мазкур зотнинг маҳсулдорлик меъёр талабларига жавоб берадиган қўйларнинг янги ***“Ақчасой” завод типи*** яратилган.

***Қоракўл зотли қўйлар*** келиб чиқиши тўғрисида ҳар хил фаразлар мавжуд. Баъзилар ушбу зотли қўйлар Кичик Осиёда яратилган (Адамец, Евинг, Турнер, Никерк ва бошқалар) деса, бошқа олимларнинг фикрига кўра, унинг ватани Ўзбекистон ҳудудидир (Кулешов, Манукъян, Стаяновская, Ожаров ва бошқалар). П.С. Паллас, В.Н. Васин, Е.В. Одинцова, И.Н. Дяков ва бошқаларнинг фикрича, коракўл зотли қўйлар ўтмишда табиий-тарихий омиллар таъсирида пайдо бўлган.

Бугунги кунда Ўрта Осиё давлатларида ва Россия Федерациясида ҳамда Афғонистон, Намибия, шунингдек, Жанубий Африка давлатларида, Эрон, Монголияда ва Анголада ҳам қоракўл зотли қўйлар урчитиб кўпайтирилмоқда. Европа (Австрия, Германия, Руминия) давлатларида ва Аргентинада ҳам қоракўл қўйлар урчитиб кўпайтирилади.



*28-расм. Қоракўл зотли совлиқлар ва қўзилар*

Ўзбекистонда қоракўл зотли қўйларнинг рангига кўра қора, сур, кўк зот типлари мавжуд. Буларнинг ичида сур зот типлари жуда сифатли бўлиб, юқори қадрланади. Бу сурлар Қорақалпоқ, Бухоро ва Сурхондарё зот типларидир. Бундан ташқари қоракўл зотли қўйларнинг морфологик, физиологик, маҳсулдорлик ва бошқа наслчилик заводи подасига хос бўлган ва хўжалик фойдали белгилари наслдан-наслга ўзгармай ўтадиган 30 га яқин завод типлари яратилган.

Қоракўл қўйларнинг экстерьери ва конституциясида чўл ва чала чўлларнинг кескин шароити ўз таъсирини қолдирган. Шу асосда янги туғилган қоракўл қўзиларнинг конституцияси асосий уч типга-мустаҳкам, нозик ва дағал типларга ажратилади.

Қоракўл қўйларнинг хўжаликда фойдаланиш муддати 6-7 йилгача, баъзан улар (юқори даражада боқиб, парваришланса) 12 ёшгача яшайди. Қўйларда 1,5-2 ёшда биологик етуклик даври бошланади, табиий серпуштлиги ўртача ҳар 100 бошдан ўртача 110-120 қўзи олинади, қоракўл қўйлар 3 ёшдан 6 ёшгача энг юқори даражада маҳсулдор бўлади.

Катта ёшдаги қоракўл қўчқорларнинг тирик вазни ўртача 60-75 кг, она қўйларники-42-50 кг, янги туғилган урғочи

қўзилар 4,0-4,5 кг, қўчқорчалар 4,5-5,0 кг ёки совлиқларнинг қочмасдан олдинги вазнининг 8-12% ни ташкил этади.

Қоракўл қўйлар рангининг хилма-хиллиги билан бошқа қўй зотларидан ажралиб туради. Қора рангли қўйлар 75-80%, кўк рангли 13-17%, сур рангли қўйлар 5-7%, бошқа рангли қўйлар 3% ни ташкил этади.

**Ўзбекистоннинг гўштдор-сержун** (халқ тилида – "малиш" қўйлар) зот гуруҳларини яратиш ишлари ўтган асрнинг иккинчи ярмида яъни 1953-1954 йиллардан бошланган бўлиб, Чорвачилик илмий-тадқиқот институти олимлари И.А. Тапильский, Н.Ф. Кияткин, Ю.Р. Қурбоновлар томонидан олиб борилган. Ишнинг амалий қисмида Тошкент вилояти Паркент туманидан илғор чўпонлардан А. Алматов, С. Аметов, М. Рахимхўжаев, Р. Муждабоев ва Ш. Усмоновлар, Оҳангарон туманидан М. Холтўраев, А. Ахмедов, У.М. Умаров, А. Тожибоевлар қатнашган.





*29-расм. 2 яшар гўштдор-сержун она қўй ва қўчқорча*

Мақсадга мувофиқ яратилган дурагайлар дастлабки 3 хил зотнинг белгиларини ўзида акс эттириб, туси оқ, қалин ярим майин жунли, тумшуқлари ялтироқ, жун билан қопланган, бошида ўсиб чиққан жуни кўзигача тушиб туради, қулоқлари ўртача катталикда. Бўйни йўғон, нисбатан калта, териси бурмаланиб турмайди. Кўкраги чуқур, кенг ва олди томонга бир оз чиққан, қовурғалари думалоқсимон, яғрини кенг, кураклари орқа умуртқа чизиғи билан бир текис, сонлари серэт, оёқлари ўртача узунликда, бақувват, туёқлари қаттиқ ейилмайди, гавда суяклари қўпол эмас, мустаҳкам конститутцияга эга.

Шундай қилиб, шарқнинг маҳаллий думбали (ўзбек думбали қўй зоти, деб ҳам номланган) жайдари қўйлари, қуйи ғарбнинг майин жунли (шимолий Кавказ), Англиянинг гўштдор линкольн зотлари генотипларига эга бир-биридан фарқ қилувчи учта ирсиятлиликни бирлаштириш натижасида юқори ўсувчанликка, бирмунча йирик танага ва ҳаётий кучга эга ярим майин жунли қўйларнинг Оҳангарон ва Паркент типлари ва кейинчалик 1976 йилда эса гўштдор-сержун қўйларнинг зот гуруҳлари яратилди.

Бу зот гуруҳларининг ўзига хос муҳим хўжалик фойдали белгилари қуйидагича; тез етилувчанлиги, гавдасининг йириклиги, совуққа ниҳоятда чидамлилиги, иштаҳасини юқорилиги ва катта ҳажмдаги озуқани ҳазм қилиш хусусиятига эга эканлиги ҳамда озуқани маҳсулот билан юқори даражада қоплашидир.

Туғилганда қўчқорчаларнинг тирик вазни 4,93 кг, тўқлилар 4,10 кг, 4-4,5 ойлигида қўчқорчалар 30,5, тўқлилар 28,4 кгни, етук ёшдаги қўчқорлар 96,0 кг, совлиқлар эса 60-65 кг ни ташкил этган.

Бугунги кунда қишлоқ хўжалиги фанлари доктори Н.Р. Рўзибоев раҳбарлигида бу қўйларнинг генофондини сақлаш ва кўпайтириш ишлари олиб борилмоқда ва республикада ягона “генофонд хўжалиги” ташкил этилди.

***Ҳисор зотли қўйлар гўштдор думбали,*** дағал жунли қўй зотлари бўлиб, Тожикистонда яратилган зотдир. Ҳисор зотли қўйлар нафақат гўштдор думбали зотлар ичида, балки бутун дунёдаги қўй зотлари ичида энг йиригидир.

Қўйларнинг жуни асосан қуруқ ва ўлик жунга эга, ранги қўнғир, сариқ ва баъзида қора тусдагилари ҳам учрайди. Ҳисор зотли қўйлар тирик вазни ва гавдасининг йириклиги жиҳатидан дунёда етакчи зотлардан бири бўлиб, ушбу зот қўйларнинг суяклари кучли ривожланган, мустаҳкам, орқа қисми баланд, калласи букрисимон, асосан шохсиз.



*30- расм. Ҳисор зотли қўчқор ва ҳисор зотли қўчқорча*

Қўчқорларининг тирик вазни ўртача 130-140 кг, маҳсулдор рекордчилари 170-188 кг, совлиқлар 80-85 кг, айримлари 90-95 кг қўйларнинг думбасидаги ёғнинг оғирлиги 18-20 кг, сўқимга боқилганлари эса 30 кг тош босади. 1,5 яшар қўчқор-

лар 96 кг, 1,5 яшар тўқлилар эса 49 кг ни тош босади. Жун маҳсулдорлиги жуда паст, қўчқорларники қирқилганда ўртача 1,2-1,5 кг, совлиқларники 2,0 кг.

Қўчқорларининг яғрин баландлиги ўртача 87 см, совлиқларда 79 см, тананинг қия узунлиги шунга мос равишда 85 ва 75 см ни, гавда чуқурлиги 35,5-34 см ни ташкил этади. Улар мустаҳкам тана тузилишига эга бўлиб, суяклари мустаҳкам ва яхши ривожланган, мускулатураси ажойиб ривожланган. Бу сифатлари узоқдан-узоқ масофаларга, яйловдан-яйловга кўчиб ўсимликларни топишда қўл келади. Яғрини, орқа ва бели кенг тўғри ва кўкраги чуқур қўйлардир. Думбаси катта, энига 30-40 см, узунлиги 40-50 см га етади.

Ҳисор зотли қўйлар ўтган аср бошларидан республикамизнинг деярли барча ҳудудларида урчитиб, кўпайтирилмоқда.

***Эдилбай зотли қўйлар*** гўштдор-думбали дағал жунли қўй зотлари ҳисобланиб, XIX асрда Қозоғистонда яратилган ва бу қўйларнинг кўп турлари Ўзбекистон, Қозоғистон ва Россиянинг жанубий чўл зоналарида ҳам урчитиб, кўпайти-



*31- расм. Эдилбай зотли она қўй ва қўчқорча*

рилмоқда. Қўйларнинг туси қўнғир ва сариқ, баъзида қора рангдагилари ҳам учрайди.

Эдилбай зотли қўйлар мустаҳкам конституцияга ва юқори даражада чидамлиликка эга. Шунинг учун ҳам йилнинг барча фасллари, ҳар хил яйлов шароитларда ҳам 500 км ва ундан узоқ масофани босиб ўта олади. Қўйлар юқори ўсувчанлиги, мустаҳкам суякдорлиги, узуноёқлилиги, дағал жуни ва катта ўсувчанлик энергиясига эга бўлганлиги билан ажралиб туради.

Қўйларнинг асосий ишлаб чиқарадига маҳсулоти бу гўшт ва думба ёғидир, мураккаб экологик шароитларда йилбўйи яйловларда боқишга мослашган.

Бу зот қўйлари жуда тез етилувчан, қўзилари туғилганда 5,0 кг тирик вазнга эга бўлади, сутдан ажратилган 4 ойлик ёшида уларнинг тирик вазни 35-40 кг га етади ва сўйилганда гўшт нимтаси 20 кг ва думба ёғи 3 кг ни ташкил этади. Қўчқорларнинг ўртача тирик вазни 100-110 кг, айримларники 144 кг, совлиқлар 65-75 кг, қирқилганда жуни қўчқорларда 3,0-5,0 кг, совлиқларда 2,3-2,6 кг тош босади.

Ўзбекистонга эдилбай зотли қўйлар ўтган асрнинг ўрталаридан бошлаб олиб келинган, қўйлар соф ҳолда урчитиб кўпайтирилган ва наслли қўчқорлардан маҳаллий қўй зотларини такомиллаштиришда фойдаланилган.

## ХОРИЖДАН ОЛИБ КЕЛИШ УЧУН ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН ҚЎЙ ЗОТЛАРИ

Майин жунли меринос зотлардан Волгоград, Совет (мериноси), ярим майин жун берувчи Шимолий Кавказ, Куйбишев, Узун жунли рус зотларини ҳамда гўштдор-думбали зотлардан "Эдилбай", "Қалмиқ" зотларини олиб келишни тавсия этамиз.

### Майин жун берувчи ("Меринос") қўй зотлари

***Совет меринос қўй зоти майин жунли жундор-гўштдор*** қўй зотлари гуруҳига киради. Бу зот қўйлари 1926-1951 йилларда кўп зотларни ўзаро мураккаб чатиштириш асосида Россияда яратилган.



*32-расм. Совет меринос зотли қўчқор*

Бу зотли қўйлар ўзининг қуйидаги ўзига хос хўжалик фойдали белгилари билан бошқа қўй зотларидан ажралиб туради. Наслли қўчқорларининг тирик вазни 100-110 кг, совлиқлари 50-55 кг, қўчқорларнинг жун қирқими 14-16 кг, совлиқлариники 5,5-6,0 кг, жунининг узунлиги шунга мос равишда 9,0-10 см, ингичкалиги 21-27 мкм, сифати 64-70, ювилган жуннинг чиқими 52-55 фоиздир.

Совет меринос зотли қўйлар Ставрополь ўлкаси, Волгоград, Ростов областларида ҳамда Доғистон, Калмикияда кенг урчитиб кўпайтирилмоқда.

***Волгоград меринос зотли қўйлар*** 1932-1978 йилларда Россияда яратилган. Бу зот қўйлар ўзининг гўшт тузилиш хили билан ажралиб туради.



*33-расм. Волгоград зотли қўчқорлар*

Яғрини, бели, орқа қисми, сағриси кенг, кўкрак қафаси чуқур, кенглиги, танаси узун ва думалоқ мутаносиб ривожланганлиги билан тавсифланади. Қўйлар асосан шохсиз, жуни боши билан айланиб кўзигача ва сакраш бўғинигача тушиб туради.

Қўчқорларнинг жун қирқими 12-14 кг, совлиқларники 5,0-6,0 кг, жун узунлиги 8,0-9,0 см, ингичкалиги 20,6-25,0 мкм, 60-64 сифатга эга бўлиб, ювилганда жун чиқими 48-50 фоизни ташкил этади.

Қўзиларнинг 5 ойда тирик вазни 33-35 кг, 8 ойда 37-40 кг, 1,5 ёшда 50 кг, қўчқорларники 110-120 кг, совлиқларники 58-63 кг, совлиқларнинг пуштдорлиги юқори - 130-160 фоизни ташкил этади.

Волгоград зотли қўйлар чўл ҳудудларининг кескин (контенентал) ўзгарувчан иқлим шароитларига мослашган зотдир. Бу зот қўйлари Бошқирдистонда, Волгоград вилоятларида урчитиб кўпайтирилмоқда.

## Яриммайин жунли (корридел типли) қўй зотлари

***Шимолий Кавказ гўштдор-сержун зотли*** қўйлар ярим майин жун берувчи қўй зотлари туркумига киради. 1944-1960 йилларда Россиянинг Ставропол ўлкаси “Восток” наслчилик заводида ставропол зотли меринос совлиқларни линкольн зотли қўчқорлар билан кейинчалик ромни-марш зотли қўчқорлар билан чатиштирилиш ва мақбул типга хос бўлган дурагайларни “ўз ичида” урчитиш орқали пайдо бўлди.

Бу зот қўйларнинг туси оқ, кроссбред жунли, жуни кўзигача тушиб туради, танаси мутаносиб ривожланган, конституцияси мустаҳкам, мускуллар билан тўлишган, танаси узун, кўкраги чукур, кенг ва яхши даражада гўштдорликка эга.

Зот ўзига хос биологик ва маҳсулдорлик хусусиятларига эга. Бу зот қўйлари йил бўйи яйловда боқиш шароитларига жуда яхши мослашган, яйловни исроф қилмай (югуриб ўтламасдан) аста-секин бир чеккадан ўтлайди ҳамда яйлов ўсимликларини яхши ўзлаштиради.

Қишнинг қаттиқ совуғида ва ёзнинг жазирама иссиғида ўзини яхши ҳис қилади, алоҳида асраш шароитларига талабчан эмас.

Ёш қўзилар тез ўсиб етилувчандир (кунлик 250-350 г вазн), гўшт сифати яхши, думбасиз, ёғни тери остида яъни танасида тўплаганлигидан мармарсимон гўшт беради ҳамда гўшти бўш, мазали, сувли, майинлиги билан ажралиб туради.



*34-расм. Шимолийкавказ гўштдор-сержун зотли қўчқор*

Қўчқорларининг тирик вазни 110-115 кг, маҳсулдорлиги бўйича рекордчи қўчқорлар 150-170 кг, совлиқлари 55-60 кг, айримлари 65-75 кг тош босади. Қўйларнинг пуштдорлик хусусиятлари жуда юқори ҳар 100 бош туққан совлиқдан 120-130 қўзи олинади.

Туғилганда қўчқорчалар 4,5-5,0 кг, урғочилари 4,0-4,5 кг тирик вазнга эга бўлиб, 8 ойлик қўзилар сўйилганда гўшт (тўши) нимтаси оғирлиги 18 кг, 1,5 ёшлигида 22 кг, етук ёшдагиларники 30 кг ва ундан юқори бўлади.

Жун маҳсулдорлиги юқори, қўчқорларда қирқилгандан кейин жун миқдори 10,0-14,0 кг, совлиқлариники 5,0-6,0 кг ни ташкил этади ва ювилганда соф жун чиқими 60-65 фоизга тенг, жуни бир хил текис, қалин, чўзилувчанлиги яхши, жун узунлиги 11-13 см, ингичкалиги 27-37 мкм, 56-58 сифатга эга.



*35-расм. Совет гўштдор-сержун зотли қўчқор*





***Совет гўштдор-сержун зотли қўйлар*** (Кавказ типи) 1950-1985 йилларда Россиянинг Қорачой-Черкесия Республикасида яратилган. Бу зотни яратишда майин жунли совлиқларни линкольн зотли наслли қўчқорлар билан, кейинчалик эса Шимолий Кавказ гўштдор-сержун зотли наслли қўчқорлар билан такрор чатиштириш усулида (мураккаб чатиштириш натижасида) яратилган.

Қўйлар шохсиз, туси оқ, бурни ва қулоғида унча катта бўлмаган доғ кўзга ташланади. Қўйлар гўшт типига хослиги, мустаҳкам конституцияси, бўйининг баландлиги, боши юқорига кўтарилганлиги, кўкрак қафаси кенглиги, танаси узун ва думалоқ мутаносиб ривожланганлиги билан тавсифланади. Жуни бир хил текис, инкичкалиги 50-56 сифатга эга, жун узунлиги камида 12 см ни ташкил этади, яхшигина қалинликда ва чўзинчоқлиги юқори, ранги ялтироқ.

Совлиқларнинг тирик вазни 50-55 кг, қўчқорларники 100 кг ва ундан юқори. Жуни қирқилганда мос равишда 4,0-4,5 кг ва 8,0-10 кг, ювилган жуннинг чиқими 60-65 фоиздан юқоридир.

Совет гўштдор-сержун қўйларнинг энг муҳим ўзига хос хусусиятларидан бири тоғ ва тоғолди яйловларда боқиб асраш шароитларига мослашганлигидир. Йилнинг баҳор-ёз-куз даврларида яйлов шароитида боқилган қўйлар ўсимликларни яхши ўзлаштира олади ва озуқани маҳсулот билан юқори даражада қоплаш хусусиятига эгадир.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати


1. Зокиров М., Валиев У., Ширинбоев Ш. Қоракўлчилик. Тошкент. "Ўқитувчи" нашрёти. 1983. б. 5-5.
2. Рўзибоев Н., Шаюсупов Б.. Ўзбекистонда қўйларни парваришлаш, озиқлантириш ва наслчилик ишлари бўйича ўқув-услубий қўлланма. Тошкент: 2019. – 18 б.
3. Туркия Республикаси Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда "Denizbank" ҳамкорлигида тайёрланган "100 та китоб"дан иборат тўплами.
4. Рўзибоев Н. Некоторые хозяйственные полезные признаки мясо-шерстных овец Узбекистана. "Сельскохозяйственный журнал". Ставрополь, №3 (12), 2019. с. 71-77
5. Рўзибоев Н., Ўралов Н., Хасанова С. Қўйларнинг биологик ва маҳсулдорлик хусусиятлари. Қоракўлчиликка ихтисослашган хўжаликларда экологик тоза маҳсулот ишлаб-чиқариш ва қайта ишлашнинг илмий-амалий асослари. Республика илмий-амалий анжумани материаллар тўплами. Бухоро. "Дурдона" нашриёти. 2019 йил 24-25 май. 160-164 б.
6. Рўзибоев Н., Холтўраев О., Усманова С. Гўштдор-сержун қўйларнинг экстерьер хусусиятлари ва маҳсулдорлиги. «Чўл яйлов чорвачилигини ривожлантириш ва шўрланишнинг олдини олишнинг илмий-амалий асослари» халқаро илмий-амалий конференция материаллари. Қоракўлчилик илмий-тадқиқот институти. Самарқанд – 2019 й, б. 209-212.
7. Рўзибоев Н., Йўлдашев А. Республикамизнинг тоғ ва тоғолди ҳудудлари шароитида яратилган жайдари зотли қўйларнинг сермаҳсул генотиплари. "Республикада чорвачиликни ривожлантириш истиқболлари" мавзусидаги рес-

публика илмий-амалий конференция материаллари. ЧПИТИ, 2019. б. 123-127.

8. Рўзибоев Н., Шаюсупов Б., Юлдашев А. Гўштдор-сержун қўйларда сунъий уруғлантириш усулини қўллаш зотни такомиллаштириш имкониятларини оширади."Республикада чорвачиликни ривожлантириш истиқболлари" мавзусидаги республика илмий-амалий конференция материаллари. ЧПИТИ, 2019. б. 127-131.

9. Н.Рўзибоев. Сохранение и обощение генофонда мясо-шерстных овец Узбекистана. УчастникVI – ой Международной научно-практической конференции в честь 35-летия создания факултета «Технология производства и переработки продукции животноводства, стандартизации и биотехнологии» «биологические, биотехнологические и генетические аспекты интенсификации животноводства» Николаевский НАУ. 17-18 октября, 2019. Украина. с. 208-211.

10. Рўзибоев Н., Шаюсупов Б. Жайдари зотли қўйларнинг сермаҳсул генотиплари. "Чорвачилик ва наслчилик иши" Ж., №6.(11) 2019. б 22-23.

11. Рўзибоев Н., Очилов Ғ. Ўзбекистон қўйчилигининг янги даври. "Чорвачилик ва наслчилик иши" Ж., №05. 2020. б. 21-25.

12. Рўзибоев Н. Оҳангарон туманида чорвачиликни ривожлантиришнинг илғор технологиялари бўйича тавсиялар. Тошкент 2020. 30 б.

13. Рўзибоев Н., Шаюсупов Б. Жайдари зотли қўйларнинг сермаҳсул типини яратиш ҳамда гўштдор-жундор қўйларнинг генофондини сақлаш ва кўпайтириш бўйича тавсиянома. Тошкент 2021. - 23 б.

14. Рўзибоев Н. Қўйларни озиқлантириш, асраш ва наслчилик ишлари бўйича қўлланма. Тошкент: 2021. – 14 б.

10.000 сўм

46.6 Қуйчилик [Матн] : илмий нашр / «Агробанк» АТБ.-Тошкент:
Қ 89 "ТАСВИР" нашриёт уйи, 2021. - 72 б.

ISBN 978-9943-7172-5-1

УЎК 636.32/.38
КБК 46.6

Лойиҳа ғояси муаллифи ва ташкилотчиси
"Агробанк" АТБ

**100 китоб тўплами**

# ҚЎЙЧИЛИК

**69-китоб**

**Таржимонлар:**
Тошкент давлат шарқшунослик университети
"Таржима ва тил маркази" таржимонлар гуруҳи

**Муҳаррир-мусаҳҳиҳ:**
А. Алиқулов

**Компьютерда тайёрловчилар:**
К.Б. Бахриддинов, Б.Т. Нишонбоев

**Дизайнер:**
Ш.М. Одилов

Нашриёт тасдиқномаси: № 7404, 02.02.2021
Босишга 12.07.2021 да рухсат этилди. Бичими 60x84 1/16
Fira Sans гарнитураси. Офсет босма усулида чоп этилди.
Адади 10.000 нусха. Буюртма рақами: 2259

Нашриёт уйи "Тасвир"
Тошкент – 2021

"Colorpack" МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Тошкент шаҳар, Янги шаҳар кўчаси, 1А.

AGROBANK

www.agrobank.uz
@agrobankchannel
1216
/agrobankuzbekistan

**Қўлланмадан тижорат йўлида фойдаланиш қатъиян тақиқланади**

ISBN 978-9943-7172-5-1
9 789943 717251